БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 190 (937)
22
СЕНТЯБРЬ
ЯКШАНБА
1957 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН

**Ҳамма—далага! Пахта терими қизиб кетди. Шу кунларда бирорта ҳам йигит, бирорта ҳам қиз 3 миллион тонна „оқ олтин“ учун умумхалқ курашидан четда турмаслиги лозим. Тани-жони соғ бўлган ва юрагида ўти бўлган ҳар бир кишининг жойи—далададир!**

## Лекция пропагандасининг таъсирчанлигини оширайлик

Ишчилар синфимиз, колхозчи деҳқонларимиз, меҳнаткаш интеллигенциямиз, бутун совет халқи ўзининг жаҳонда биринчи социалистик давлати 40 ёшга тўладиган тарихий кунни катта тантана билан байрам қилишга ҳозирланмоқда. Улкан корхоналаримизнинг цехларида, бутун мамлакатимизни қоплаб олган қурилишларда, колхоз-совхозларимизнинг поёнсиз далаларида совет кишилари Ватан бахт-саодати йўлидаги фидокорона меҳнат нашъаси билан яшамоқдалар. Колхозчи деҳқонларимиз аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштиришда яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш вазифасини ҳал қилмоқдалар. Республикамиз пахтакорлари ўзларининг халқ, партия олдидаги бурчларини шараф билан бажариш — бу йил давлатга камида уч миллион тонна пахта териб топшириш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Шу қадар зўр ғайрат-шижоат билан коммунизмнинг муаззам биносини барпо қилаётган кишиларимизга марксизм-ленинизм ғолиб идеяларини муттасил етказиб туриш, уларга партиямизнинг улуғвор режаларини тушунтириб бериш, уларни ана шу режаларни амалга оширишга отлантиришдан ҳам шарафли ва олижаноб иш борми!

Кўп кишилик аудиторияларда, йиғилишларда ўтказилиши, кенг меҳнаткашлар оммасига бир йўла таъсир қилиши, жуда жонли ва тушунарли бўлиши билан лекция пропагандаси партиямизнинг идеологик тарбия воситалари орасида алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун лекция пропагандаси доим жонли ва жанговар бўлмоғи, турмуш билан боғланиб, бирор муайян мақсадни кўзламоғи, энг муҳими — кишиларимизни янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантириши керак. Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи область жамиятининг яқинда бўлиб ўтган пленумида кўпгина партия ташкилотлари лекция пропагандасининг ана шу афзалликлари ва таъсир кучидан тўғри фойдаланаётганликлари айтиб ўтилди. Чирчиқ шаҳрида, Сирдарё, Паркент, Бўстонлиқ районларида, областнинг бошқа бир қанча шаҳар ва районларида ишчилар, колхозчилар ҳамда аҳолининг бошқа табақалари ўртасида лекция пропагандаси анча дуруст йўлга қўйилган.

Лекин шу билан бирга жойлардаги лекция пропагандаси ишининг кўлами ва ғоявий савияси, бу соҳада сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи область жамияти қилаётган ишлар ҳали қониқарли эмас. Кўпгина жойларда, айниқса, Бўка ва Ўрта Чирчиқ районларида район партия комитетлари ҳамда сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият бўлимлари ташкил қилаётган лекцияларнинг тематикаси жуда тор, меҳнаткашларнинг юксак талабларига жавоб бермайди. Лекциялар ўқишга маҳаллий кадрларни жалб қилиш айниқса ёмон аҳволда. Масалан, жамиятнинг Бўка район бўлими берган маълумотларга қараганда, бўлим ихтиёрида ўнлаб маҳаллий лектор кадрлар бор. Бироқ шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида район территориясида ўқилган 400 дан ортиқ лекциянинг фақат 2 тасини маҳаллий лекторлар ўқиган, холос. Бундай аҳволни областнинг бошқа районларида ҳам учратиш мумкин. Шу йилнинг ўтган ойларида область районларида ўқилган лекцияларнинг 80-90 процентини ҳамон Тошкентдан юборилган лекторлар ўқимоқда.

Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи область жамиятининг лекциялар тематикаси соҳасидаги ишини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Сўнгги ойлар мобайнида конкрет экономика масалаларига бағишланган лекциялар деярлик ўқилмай қўйди. Умуман қишлоқ хўжалиги темасида ўқилган лекциялар барча лекцияларнинг атиги 10-12 процентини ташкил этади, холос. Атеистик пропаганда ҳам деярлик тамомила унутиб қўйилди.

Ишдаги бу катта камчилик ва нуқсонлар асосан область жамияти, унинг жойлардаги бўлимлари ҳамда айрим партия комитетлари лекция пропагандаси соҳасидаги ташкилий ишларни бўшаштириб юборганликлари сабабли содир бўлмоқда. Область жамияти ҳисобидаги 1400 аъзодан 600 киши бу йил бирорта ҳам лекция ўқимаганлигини, жамият аъзолиги бадали тўламаганлигини нима деб баҳолаш мумкин?

Кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида лекция пропагандасини шу куннинг юксак талаблари даражасига кўтариш — ҳозир партия ташкилотлари олдида жуда муҳим вазифа бўлиб турибди. Лекция пропагандасини яхши йўлга қўйиш учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Даставвал шаҳарлар ва қишлоқ жойлардаги кўп сонли лектор ва пропагандист кадрлар кучидан моҳирлик билан фойдаланмоқ керак. Бу соҳадаги ишнинг муваффақияти ташкилий иш савиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Партия ташкилотлари жойлардаги жамият бўлимлари ишини бошқариб ва назорат қилиб туришлари, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишлари керак. Партия комитетлари ҳузуридаги лекторлар группасининг ишини ҳам анча яхшиламоқ лозим.

Лекция пропагандамизнинг ғоявий-сиёсий савияси ҳар доим юксак, мазмуни турмушимиз билан чамбарчас боғланган, руҳи жанговар ва ҳужумкор бўлиши керак. Лекциялар ўқиганда ҳозирги замон ички ва халқаро ҳаётнинг ҳаммани қизиқтираётган масалаларини, марксча-ленинча назария, фан-техника ва маданий тараққиётнинг муҳим масалаларини, партия ва ҳукуматимиз қарорларининг мазмунини тушунтириб беришга алоҳида эътибор бериш лозим. Пропагандамизнинг таъсир кучини бузуқ буржуа идеологиясига қарши, кишилар онгида сақланиб қолган ўтмиш сарқитларига қарши курашга қаратиш зарур.

Лекция пропагандаси ижодий ва жонли ишдир. Паст назарий савияда илҳом-иштиёқсиз лекция ўқийдиган лекторлар бу ғоят масъулиятли ва шарафли ишнинг обрўсини тўкадилар, холос. Лектор деган шарафли ном олган кишининг масъулияти ҳам каттадир. Лектор марксизм-ленинизм ғояларини, янги ва илғор нарсаларнинг ҳаммасини ихтирос билан тарғиб қилиши, кишиларда зўр ишонч туғдириши, уларни янги меҳнат зафарларига отлантириши керак.

Меҳнаткашлар орасида лекция ўқишга раҳбар ходимларни, саноат ва қишлоқ хўжалик мутахассисларини, фан ва маданият арбобларини, социалистик ишлаб чиқариш новаторларини кўплаб жалб қилиш, лекцияларни бевосита омма орасида — кишиларимиз катта хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал қилаётган завод-фабрика цехларида, қурилиш майдонларида, дала шийпонларида ва фермаларда ўқиш — лекция пропагандаси ишининг ҳозирги энг муҳим вазифасидир.

Лекция пропагандасининг таъсирчанлигини тинмай оширайлик, бу ишнинг метод ва формаларини янада такомиллаштирайлик, уни кенг меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялашнинг чинакам ўткир ва қудратли ғоявий қуролига айлантирайлик!

## А. И. Микоян Франция Миллат мажлисининг депутатларини қабул қилди

20 сентябрда СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари А. И. Микоян СССР Олий Совети депутатлари Совет-Франция группасининг таклифига мувофиқ ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида турган Ги Дессон бошчилигидаги Франция Миллат мажлисининг депутатларини қабул қилди. Группа составида А. Бертэ, Д. Дюма, А. Дени, Л. Пюи, Б. Мансо ва П. Госсе бор.

Ҳамжиҳатлик ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида Совет-Франция муносабатларини ривожлантириш ва Совет Иттифоқи сингари Франция учун ҳам қизиқиш туғдираётган муҳим халқаро проблемаларга тўхталиб ўтилди.

## Тошкент область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетида

Область ижроия комитети ва область партия комитетининг бюроси пахта териш ва тайёрлаш юзасидан районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг мавсум бошлангандан то 1957 йил 20 сентябргача бўлган якунини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва область партия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Пискент районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Латипов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Усмонов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Алимова,** МТС директори ўртоқ **Ваксман,** совхоз директори ўртоқ **Ҳайдаров)** берилсин. Бу район 21 сентябргача йиллик планнинг 11,10 проценти миқдорида пахта тайёрлаган ва топширилган пахтанинг сифати яхши бўлган.

2. Шу билан бирга Пискент районига илғор теримчилар ва пахта теримида намуна кўрсатганларни мукофотлаш учун 3 минг сўм пул берилсин.

## *Ўзбекистон КП Марказий Комитетида*

## Кўпмингкилограммчи ёш теримчилар республика слёти қатнашчиларининг мурожаати тўғрисида

**Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. Кўпмингкилограммчи ёш теримчилар республика слёти қатнашчиларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига кўпмингкилограммчиларнинг ватанпарварлик ҳаракатини кенг авж олдириб юбориш тўғрисида республикадаги барча қишлоқ ва шаҳар ёшларига қарата қабул қилган мурожаати маъқуллансин.**

**2. Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига кўпмингкилограммчи ёш теримчилар республика слёти қатнашчиларининг мурожаатини эълон қилиш, кўпмингкилограммчиларнинг ватанпарварлик ҳаракати, олинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётгани тўғрисидаги материалларни газеталарда ва радио орқали мунтазам ёритиб бориш мажбурияти юклатилсин.**

**3. Партия, комсомол ташкилотларига кўпмингкилограммчиларнинг мурожаатини колхоз, совхоз, МТС, олий ўқув юртлари, техникумлар, саноат корхоналари ва муассасалардаги барча ёшларга кенг тушунтириш ҳамда шу асосда барча ёшларни пахта теримига кенг жалб қилишни ташкил этиш ва кўпмингкилограммчи ёш теримчилар сонини кўпайтириш мажбурияти юклатилсин.**

## *Кўпмингкилограммчи илғор теримчиларнинг республикадаги барча ёш пахтакорларга*

## *МУРОЖААТИ*

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимиз катта ва қувончли воқиа — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги арафасида турибди. Октябрь байрами—совет халқининг севимли байрамидир. Бу байрамга тайёргарлик мамлакатимиз меҳнаткашларининг совет халқи барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлган жонажон Коммунистик партияга қизғин муҳаббати ва чексиз садоқатининг ёрқин намойишига айланди. Мамлакатда мисли кўрилмаган меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик ҳукм сурмоқда.

Революцион байрамларни меҳнат совғалари билан кутиб олиш бизнинг яхши традициямиз бўлиб қолди. Ҳозир фабрика ва заводларда, шахта ва руда конларида, қурилиш ва транспортда — жонажон Ватанимизнинг бепоён ерларининг ҳамма жойида Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа алангаси авж олмоқда.

Дўстлар! Жонажон Ўзбекистонимиз совет халқларининг қардошлик оиласида равноқ топмоқда ва тобора гўзаллашмоқда.

Республика меҳнаткашлари бутун совет халқи сингари коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида жуда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Совет ҳокимияти йилларида республика саноати, қишлоқ хўжалиги, фани ва маданияти мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади.

Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихоридир. Ўзбекистонни ҳақли равишда оқ олтин мамлакати деб атайдилар.

Мамлакатни пахта билан таъминлаш—ўзбек халқининг барча қардош совет халқлари олдидаги интернационал бурчидир.

Республика пахтакорлари бу бурчни шараф билан бажармоқдалар. Пахта ҳосили йил сайин ошиб бормоқда. Ўтган йили республика пахтакорлари давлатга 2 миллион 857 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Бу республика барча меҳнаткашларининг катта ғалабасидир. Партия ва Ҳукумат ўзбек пахтакорларининг фидокорона меҳнатига юксак баҳо берди—Ўзбекистон иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди. 201 қишлок хўжалик илғори — пахтачилик мастерига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди; 16 минг киши орден ва медаллар билан мукофотланди.

Қадрли дўстлар! Ғалабага осонлик билан эришмаганлигимизни биласизлар. Бу ғалаба ғайрат билан меҳнат қилиш туфайли қўлга киритилди. Биз ёш пахтакорлар ана шу муваффақиятларни қўлга киритишда комсомоллар ва республиканинг барча ёшлари муносиб ҳисса қўшганликларидан хурсандмиз. Ўтган йилги ҳосил учун курашнинг ҳамма босқичларида йигит ва қизлар қизғин комсомоллик ғайрати ва ташаббуси билан меҳнат қилдилар. Бизнинг орамиздан Саодат Гулаҳмедова, Мўттихон Жумабоева, Мадамин Саидов, Зулайхо Норқулова, Қозоқ Жуманазаров, Усмонали Норқулов, Турсуной Охунова ва бошқа юзларча, минглар-ча ўз ишининг ажойиб усталари етишиб чиққанлиги билан фахрланамиз. Ватанимиз уларнинг хизматини муносиб тақдирлади. Энг яхши кишиларнинг кўксида қаҳрамонликнинг олтин юлдузлари порлаб турибди, кўпгина ёшлар орден ва медал олдилар.

Ўртоқлар! Бизнинг муваффақиятларимиз жуда катта. Бироқ, биз совет кишилари эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолмаймиз. 1957 йил—янги катта ғалабалар йили бўлиб қолиши керак. Пахтакорлар ўзларининг XII қурултойида бу йил Ватанга 3 миллион тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Ўз сўзимизнинг устидан чиқиш, давлатга 3 миллион тонна «оқ олтин» териб топшириш—ўзбек халқининг, азиз дўстлар, сиз билан бизнинг шарафли ишимиздир.

Қадрли дўстлар!

Ҳосил учун курашнинг энг масъулиятли, энг ҳал қилувчи даври—йиғим-терим даври бошланди! Терим ишларининг кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда, далаларда пахтакорларнинг шижоати кун сайин ошиб бормоқда. 3 миллион тонна пахтанинг тақдири худди ҳозирги куз кунларида ҳал қилинади.

Биз кўпмингкилограммчи теримчилар, механизаторлар ҳосилни қисқа муддатларда ва нобуд қилмай териб олиш, пахта нобудгарчилигига қарши шафқатсиз кураш олиб бориш йўлларини, ўз меҳнатимизни қандай қилиб яхшироқ ташкил қилиш йўлларини белгилаб олиш учун Тошкентда тўпландик. Биз, қадрли дўстлар, ёш пахтакорлар, сизга мурожаат қилишга қарор қилдик.

Дўстлар! Терим мавсуми қисқа. Ҳамма куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз, пахта териш суръатини кун сайин ошириб боришимиз зарур. Биз сизларни пахта теримида социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишга чақирамиз. Пахта териш нормасини ҳар куни тўла ва ошириб бажариш—шу кунларда ҳар бир ёш теримчининг шиори бўлсин! Пахта теришнинг илғор усулларини ўрганингиз, кўпмингчилар сафига кирингиз! Мавсумда 7-10-15-20 тонна ва бундан кўпроқ «оқ олтин» териб бериш учун курашингиз! Мавсумда 36 тонна пахта териб беришга аҳд қилган тўрақўрғонлик Аҳмаджон Қурбоновдан; мавсумда 35 тонна пахта териш мажбуриятини олган қувалик Мадамин Саидовдан; Саодат Гулаҳмедова, Зулайҳо Норқулова, Усмонали Норқулов ва бошқа энг илғор теримчилардан ўрнак олингиз!

Бу йигит ва қизларнинг номи ҳамма жойда машҳур. Кўпмингкилограммчи энг яхши теримчиларга тенглашишга ҳаракат қилингиз. Ана шу шарафли номни олиш учун курашингиз. Боболаримизда: «Мард майдонда синалади» деган мақол бор. Ҳозир пахта даласи жанг майдони бўлиб қолди. Юрагингда ўтинг бўлса, дадил далага чиқ ва кучингни ўша ерда кўрсат. Олтин оловда, одам меҳнатда синалишини ёдингда тут.

Ёш механизаторлар! Ўз машиналарингизни шайлаб қўйингиз. Бу йил 210 минг гектар майдондаги пахта машинада терилиши лозим. Қадрли дўстлар, сизларнинг орангизда ҳам намуна оладиган, тажриба ўрганадиган кишилар бор. Булар—Тошкент областли Турсуной Охунова, сурхондарёлик Жўрабой Соатов, бухоролик Исожон Қодировлардир. Бизнинг кенгашимизда Турсуной ўз машинаси билан мавсумда 110 тонна пахта, Жўрабой ва Исожон эса 100 тоннадан пахта теришга сўз бердилар. Улар сизларни социалистик мусобақага чақирадилар. Дўстлар, бу чақириқни қабул қилингиз! Мавсумда ҳар бир горизонтал-шпинделли машина билан 90-100 тонна, ҳар бир вертикал-шпинделли машина билан 50-60 тонна пахта териб бериш учун курашингиз.

Ҳамма—далага! Пахта терими қизиб кетди. Шу кунларда бирорта ҳам йигит, бирорта ҳам қиз 3 миллион тонна «оқ олтин» учун умумхалқ курашидан четда турмаслиги лозим. Тани-жони соғ бўлган ва юрагида ўти бўлган ҳар бир кишининг жойи—далададир!

Комсомоллар пахта теримида мусобақа ташаббускорлари бўлишлари лозим. Сен идорада ишласанг — вақтинча идорани ташлаб чиқ, дўстимиз, сени пахта кутади. Агар сен бухгалтер, табелчи, бригадир бўлиб ишласанг, барибир, сен пахта териш нормасини бажаришинг керак. Сен Мўттихон Жумабоева номини кўп эшитгансан албатта. У Андижондаги колхозда бригадир бўлиб ишлайди. Шунга қарамай, бу қиз мавсумда 20 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олди. Мўттихоннинг аҳди қаттиқ, у ўз сўзининг устидан чиқади.

Ёш шаҳарликлар, студентлар, ўқувчилар! Ҳар йили сиз кўрсатаётган ёрдамга колхозчилар ва совхоз ишчилари юқори баҳо бермоқдалар. Биз, қадрли дўстлар, бу йил ҳам сизларни кутмоқдамиз. Бизга ёрдамга келингиз. Ўзбек халқининг ҳосил учун курашига ўз ҳиссангизни қўшингиз.

Қадрли дўстлар! Пахтани нобуд қилиш—катта зарар. Граммсиз килограмм бўлмаслигини, килограммсиз тонна бўлмаслигини ёдингизда тутингиз. Ҳар бир туп ғўзада биттадан кўсак қолса ҳам, бир гектар ерда биз 300 килограмм «оқ олтин» йўқотамиз. Бу миқдордаги пахта қайта ишланса, ундан кўп миқдорда газлама, ёғ, совун ва бошқа товарлар тайёрлаш мумкин. Нобудгарчиликка қарши курашингиз! Бир грамм ҳам пахтани қолдирмай, териб олингиз!

Пионер ва ўқувчилар! Ота-оналарингиз, ака ва опаларингиз меҳнати билан мўл ҳосил етиштирилди. Сиз ҳам умумий ишга ўз ҳиссангизни қўшингиз. Нобудгарчиликка қарши кураш бўйича пионер постлари ташкил қилингиз. Йўллар ёқасида яшиклар ўрнатингиз ва тўкилган пахтани шу яшикларга солингиз. Етиштирилган ҳамма ҳосилни сира нобуд қилмасдан териб олишда катталарга ёрдам беришга аҳд қилган Боёвут районидаги Димитров номли мактаб пионерларининг яхши ташаббусини қўллаб-қувватлангиз.

Қадрли дўстлар! Биз қатъий ишонч билдириб айтамизки, бизнинг овозимиз республиканинг ҳамма бурчакларига бориб етади, юзларча ва мингларча ёш пахтакорлар кўпмингкилограммчилар сафига қўшилади. Биз ишонамизки, далаларда социалистик мусобақа янги куч билан авж олиб кетади, пахта териш суръати кун сайин ошиб боради. Ҳар бир ёш пахтакор, ҳар бир ёш механизатор ҳосил учун умумхалқ курашига ўз муносиб ҳиссасини қўшсин!

**Бу Мурожаат кўпмингкилограммчи илғор ёш теримчиларнинг республика слётида муҳокама этилиб, якдиллик билан қабул қилинган.**

## ҚЕНГ ЁЙИШГА АРЗИРЛИҚ ТАШАББУС

Республикамиз пойтахтининг Куйбишев районидаги Фрунзе кўча 1-уйда яшовчи меҳнаткашлар ажойиб ташаббус бошладилар. Бу уйда турувчи барча меҳнаткашлар яқинда умумий йиғилиш ўтказдилар. Йиғилишда улар кўплашиб ўз маблағлари ва кучлари ҳисобига ўзлари яшаётган квартираларни, ҳовлини ва уй атрофини озода тутишга, уларни санитария-профилактика жиҳатидан яхши сақлашга қарор қилдилар.

Йиғилиш қатнашчилари ўзлари яшаётган уйни ҳар икки томонидан оқлаш, ўз квартираларининг жорий ремонтини ўзлари қилиш, ҳовлидан ва унинг атрофидан ўтадиган ариқларни тозалаш, кўприкларни ремонт қилиш, ҳовлини текислаш ва тозалаш, ҳовли озодалигига доим риоя қилишни таъминлаш мақсадида ички тартиб-қоидаларини ўрнатиш, ахлатларнинг ҳар жойга ташланишига йўл қўймаслик сингари мажбуриятларни олдилар. Бу ташаббусни бошлаш билан бирга, улар шаҳарнинг барча меҳнаткашларини ўзлари яшаётган жойларни озода сақлашга, уй-жой фондига яхши қараб туришга ва умуман шаҳарни ободонлаштириш ишларида актив катнашишга чақирувчи мурожаат қабул қилдилар.

## Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

## Тошкент область колхоз ва совхозларида пахта териш ва тайёрлашнинг қониқарсиз аҳволда эканлиги тўғрисида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қайд қилдики, Тошкент областининг кўпгина колхоз ва совхоз далаларида ҳар куни давлатга йиллик планнинг камида 1,5 проценти миқдорида пахта териб топшириш имкониятини берадиган даражада очилган пахта бўлишига қарамасдан, Тошкент область ижроия комитети ва район ижроия комитетлари область учун сентябрь ойида пахта териш ва давлатга топшириш юзасидан белгиланган топшириқнинг бажарилишини таъминламадилар.

Ишнинг қониқарсиз аҳволда эканлигига асосий сабаб шу бўлдики, область ва район ижроия комитетлари колхозчиларни ва совхоз ишчиларининг пахта теримига оммавий равишда чиқишларини таъминламадилар. Кўпгина район, колхоз ва совхозларда текшириш ўтказилган кунда пахта теримига бу иш учун ажратилган колхозчилар ва совхоз ишчиларининг 50 процентдан камроғи чиққан.

Янгийўл районидаги колхозларда пахта теримида 4970 теримчи ишламоқда. Бу эса белгиланган топшириқнинг 41 процентини ташкил этади. Шу районидаги Ворошилов номли, «Москва», Свердлов номли ва Сталин номли колхозларда эса колхозчиларнинг 25-35 процентигина пахта теримида ишламоқда. Октябрь районидаги колхозларда 6225 теримчи ўрнига 2886 теримчи ишламоқда, шу жумладан Сталин номли колхозда 710 теримчи ўрнига 290, Калинин номли колхозда 665 теримчи ўрнига 263 теримчи ишламоқда. Оққўрғон районидаги колхозларда 6700 теримчи ўрнига 2900 теримчи, Чиноз районида — 7650 ўрнига 2610 теримчи, Сирдарё районида эса — 7 минг ўрнига 4866 теримчи ишламоқда.

Ишчиларни пахта теримига жалб қилиш «Оққўрғон» совхозида, (директори ўртоқ Акрамов), айниқса қониқарсиз аҳволда. Бу ерда 3 минг киши ўрнига пахта теримига 1329 теримчи қатнашмоқда. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида 1800 киши ўрнига 700 киши пахта тераётир. Ўрта Чирчиқ районидаги йирик «Ленин йўли» колхозида (раиси ўртоқ Усмонов) пахта терими қониқарсиз ташкил этилган. Бу колхозда қишлоқ хўжалик артелининг кўпчилик аъзоси пахта теримида қатнашмаётир, бу эса колхознинг пахта териш ва топшириш соҳасида ғоят орқада қолишига олиб келди.

Бир қанча район ва колхозларда теримчилар сонини оттириб кўрсатиб, тўғридан-тўғри кўз бўямачилик қилинмоқда.

Область ижроия комитети ва район ижроия комитетлари пахта теримида ишчи кучларининг тўғри тақсимланишини таъминламаганлар. Масалан, Гулистон районидаги Хрушчев номли, Карл Маркс номли, Калинин номли колхозларда ҳар куни йиллик планнинг камида 5 проценти миқдорида пахта териб олиш имкониятини берадиган даражада кўп пахта очилган. Бироқ, бу колхозларда ишчи кучи етишмаслиги яққол кўриниб турибди. Ҳолбуки пахтанинг очилиши кечикаётган қўшни колхозларда колхозчилар жамоат ишларига тортилмаган.

Тошкент областида пахта териш ва тайёрлашнинг қониқарсиз бораётганлигига шу нарса сабаб бўлмоқдаки, кўпчилик колхоз ва совхоз раҳбарлари, шунингдек далачилик бригадаларининг бошлиқлари пахта теримини ташкил қилиш билан бевосита шуғулланмасдан, одатда идорада ёки хирмонларда вақт ўтказмоқдалар. Бу аҳвол эса пахта териш сифатининг паст бўлишига олиб келмоқда. Хом пахтани териш ҳоллари учрамоқда, кўплаб пахта нобуд қилинмоқда. Ерга ётиб қолган ғўзалар кўтариб қўйилмаётир. Бу эса кўсакларнинг чиришига олиб келмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қайд қилдики, текширилган колхоз, совхоз ва МТСларда пахтани машинада теришга тайёргарлик қониқарсиз ташкил қилинган. Шу нарса ҳам кўрсатиб ўтилдики, областнинг кўпгина колхозларида сушилкалар ремонт қилинмаган, хирмонларга асфальт ётқизиш, бостирмалар қуриш ва ремонт қилиш топшириғи бажарилмаган. Айрим бригадаларда хирмонлар тайёрлаб қўйилмаганлиги туфайли терилган пахта дала четига ва карталар ўртасидаги ўқариқларга тўкилмоқда.

Тошкент областидаги текширилган колхозларнинг кўпчилигида теримчиларнинг унумли ишлашлари учун шароит яратиб берилмаган. Тошкент область матлубот союзи ва район матлубот союзлари савдо ходимлари республика кенгашининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг колхоз ва совхозларда умумий овқатланишни ташкил қилиш тўғрисидаги қарорларини бажаришга масъулиятсизлик билан қараганлар. Областдаги текширилган колхозлардан биронтасида ҳам матлубот кооперацияси умумий овқатланишни ташкил қилмаган. Кўпгина колхоз ва совхозларда болалар яслилари ва теримчиларнинг болалари учун майдончалар ташкил этилмаган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қилди:**

Тошкент область ижроия комитети (раиси ўртоқ Жалилов), ва район ижроия комитетлари, айниқса Ўрта Чирчиқ район ижроия комитети (раиси ўртоқ Сотиболдиев), Оққўрғон район ижроия комитети (раиси ўртоқ Иброҳимов), Янгийўл район ижроия комитети (раиси ўртоқ Мусаев) пахта териш ва тайёрлашни ташкил қилиш бўйича мутлақо қониқарсиз ишлаганликлари кўрсатиб ўтилсин.

Тошкент область ижроия комитети ва областдаги район ижроия комитетларидан яқин икки-уч кун ичида колхозчиларни ва совхоз ишчиларини пахта теримига жалб қилиш бўйича белгиланган топшириқни бажаришни таъминлаш талаб этилсин; колхоз правлениелари, совхоз директорлари ва тайёрлаш пунктлари мудирларининг пахта теримининг сифати устидан контроли оширилсин, хом пахта терилишига, пахтанинг ифлосланишига йўл қўйилмасин, нобудгарчиликка қарши кураш кучайтирилсин, эгатларда ва қатор ораларида ерга тўкилган ҳамма пахтанинг териб олиниши таъминлансин, чаноғида қолдирилишига йўл қўйилмасин.

Пахта теримининг сифати ва нобудгарчиликка йўл қўймаслик учун контролни кучайтириш мақсадида колхоз ва совхоз далачилик бригадаларининг бошлиқлари пахта теримига бевосита иштирок этсинлар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамма бригадаларда терилган пахтани даланинг ўзида бутун кун давомида қабул қилиб олишни ташкил этишни; район матлубот союзлари томонидан барча колхозларда умумий овқатланишнинг аҳволини текширишни таъминлашни ва яқин кунлар ичида теримчилар учун умумий овқатланишни ташкил қилишни; пахта теримида қатнашаётган колхозчиларга пул ва натура авансларининг мунтазам берилишини таъминлашни; ҳамма бригадаларнинг дала шийпонларида болалар яслилари ва майдончалари ташкил этишни таклиф қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Тошкент область ижроия комитети, район ижроия комитетларининг раислари, Тошкент областидаги МТС ва совхозларнинг директорлари зиммасига машинада пахта теришга зарур даражада тайёргарлик кўриш, машинада пахта териш юзасидан белгиланган топшириқнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш вазифасини юклади.

Тошкент область матлубот союзининг раиси ўртоқ Аъзамовга Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг колхоз ва совхоз дала шийпонларида матлубот кооперацияси томонидан умумий овқатланишни ташкил қилиш тўғрисидаги қарорининг бажарилмаганлиги учун жаза берилди.

## Артель ишчиларининг муваффақиятлари

Сирдарёдаги «Ўзбекистон ССР X йиллиги» артелининг ишчилари Улуғ Октябрь байрамининг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Артель коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича олган мажбуриятларини ортиғи билан бажараётир. Август ойи плани барча кўрсаткичлар бўйича 180 процент бажарилди.

Цехлараро социалистик мусобақада ўртоқ Ольга Герасимова бошлиқ тикув цехи чеварлари ғолиб чиқдилар. Улар юқори унум билан ишлаб, ойлик планни 231 процент адо этдилар. Шунингдек арқон, попоп ва бошқа цехларнинг ишчилари ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини камайтиришга эришаётирлар.

Артель коллективи йиллик планни муддатидан анча олдин бажариш учун курашмоқда.

**С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.**

# Дала ишларини пухта ташкил этиб, пахта тайёрлаш юзасидан берилган топшириқни тўла ва ошириб бажарайлик



Шу кунларда пахта тайёрлаш пунктлари гавжум. «Оқ олтин» юклаган автомашиналар, аравалар кетма-кет келиб турибди. Илғор колхозларнинг пахтакорлари астойдил меҳнат қилиб, йиллик планни 7 ноябргача бажариш учун курашмоқдалар. Давлат пахта тайёрлаш пунктларининг коллективлари эса колхозлардан келаётган пахтани тез қабул қилиб олиш, шундай қилиб колхозларнинг арава ва машиналарини тезроқ жўнатишга эришаётирлар. Оржоникидзе районидаги Қибрай пахта тайёрлаш пунктига ҳам ҳар куни юзлаб тонна пахта келиб туради.

**Суратда:** (чапдан ўнгга) 1. Лаборантка **В. Трифонова** бунтга босиладиган пахтани текшириш учун олмоқда. 2. Колхозлардан келтирилган пахта транспортер ёрдамида бунтга босилаётир. 3. Старший товаровед **И. Усманов** ва «Сталинград» колхозининг пахта топширувчиси **Н. Абдувалиев** ўртоқлар пахтанинг сортини аниқлаб кўришмоқда.

**И. Глауберзон ва В. Сироткин** фотолари.

## Оҳангарон бўйидаги пешқадам колхоз

Ўрта Чирчиқ районидаги Максим Горький номли колхоз ерларини Оҳангарон дарёсининг тармоқлари илон изи бўлиб кесиб ўтган. Дайди дарёнинг суви шу колхоз қишлоғига кирганда кишига бўйсиниб боғларга, экин-зироатларга наф беради.

Ёз кунлари шу колхоз кишилари астойдил меҳнат қилишди. Рельефи нотекис бўлган ерларда суғоришни, культивацияни усталик билан олиб боришди. Ҳар бир туп ғўза кўп ҳосил тугсин деб ерга кўпроқ ўғит солишди, чопиғини сифатли ўтказишди. Мана ҳозир шу поёнсиз далаларга назар ташласангиз кўпчилик меҳнати ўз натижасини кўрсатибди, далаларни «оқ олтин» чамани қоплабди.

Ғўзанинг бўйига бўй қўшган, кўсагини кўпайтириш учун чарчамай меҳнат қилган, пахтанинг тезроқ пишиб етилиши учун курашган қизлар, йигитлар бугунги кунда ўзлари етиштирган ҳосилнинг бир грамини ҳам нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олиш ҳаракатида.

Биз колхоз раиси билан далаларни айланиб юрибмиз. У сентябрь тугаб бораётганига қарамай, суръатнинг ҳали ҳам кўтарилмаётганлиги ҳақида сўзлайди. Ахир шу ой давомида йиллик планнинг 40 проценти миқдорида пахта тайёрлаш керак. Колхоз районда биринчи ўринда кетаётган бўлса ҳам, лекин ишнинг бориши мўлжалдагидек эмас. Шу кунларда 1,5 эмас, 2-2,5 процентдан пахта топширадиган палла.

Ўнлаб чевар теримчилар 150-200 килограммдан пахта тераяптилар, ҳеч бўлмаса колхоздаги учдан икки қисм теримчи шу даражага эришса, ана ўшанда сентябрь графигини ошириб бажариш мумкин. Колхоздаги теримчиларнинг бир кундаги пахтаси ҳар бир кишига 73 килограммдан тушаяпти. Шуни ҳеч бўлмаганда 80-85 килограммга етказиш керак. Темир Ҳолдибоева, Гулсин Бегимқулова, Ҳайри Сулаймонова, Кенжа Бўрибоевалар 180-200 килограммдан ошириб пахта теришаяптику?! Нима учун бошқа теримчиларни ҳам ҳеч бўлмаганда шуларга яқинлаштириш мумкин эмас? Мумкин, бу бизнинг қўлимиздан келади!

Колхоз раиси ўртоқ С. Каримжонов шу ҳақда фикр юритар экан, кечқурун бу маслаҳатни колхоз партия ташкилотининг секретари ҳамда бошқа раҳбарларга айтди. Улар ҳам раиснинг сўзини маъқуллашди. Бригадаларда агитаторлар илғор теримчиларнинг иш тажрибалари тўғрисида суҳбатлар ўтказдилар. Уларнинг қандай қилиб кўп ва юқори сифатли пахта тераётганликларини батафсил сўзлаб бердилар. Шунинг учун ҳам кейинги кунларда пахта териш ва тайёрлаш суръати кескин оширилди. Ҳозирги пайтда колхоз кунига 1,5-1,7 процент миқдорида пахта тайёрламоқда.

Колхознинг шофер ва аравакашлари вақтдан тўла ва унумли фойдаланиб, берилган топшириқни ошириб бажармоқдалар. Абдурасул Абдувоитов, Малик Мавлонов каби илғор шофер ва аравакашлар бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Теримни соатлик график асосида ташкил этишда ўртоқ Қаршибой Илесбеков бошлиқ бригада яхши натижаларга эришмоқда. Шунинг учун ҳам бу бригада биринчи ўринни эгаллади.

870 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган колхоз пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Оҳангарон дарёси бўйларига жойлашган бу колхоздан кечка томон қайтар эканмиз колхоз қишлоғи кишиларининг бир кунлик иш якунини кўриб, она-Ватанга кўп ва юқори сифатли пахта бериш учун чарчаш нималигини билмай меҳнат қилаётган чевар қизлар, азамат йигитларнинг меҳнат муваффақиятларининг гувоҳи бўлдик. Колхоз пахтакорлари илғорликни бундан кейин ҳам қўлдан бермаслик учун суръатга-суръат қўшишларига тўла ишонч ҳосил қилдик.

**Т. ЙЎЛДОШЕВ.**

## *Звено аъзоларининг ғайрати*

— Биз,— дейди звено бошлиғи ўртоқ Қўчқор Ираев, — 13 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берганмиз. Далаларимизда ана шу мажбуриятга яраша ҳосил етиштирдик. Шу кеча-кундузда звено аъзоларимизнинг бутун диққат-эътибори ҳосилни сира нобул қилмай йиғиб-териб олишга қаратилган.

Далада қўли-қўлига тегмай пахта тераётган чеварларнинг иши, хирмонга пахта элтаётган аравакашларнинг ғайрат ва шижоати звено бошлиғининг сўзи тўғри эканлигини тасдиқлади. Колхозчилардан Рихси Султонова, Зоҳида Шокирова, Муҳаббат Иноятова каби ўртоқлар айниқса унумли меҳнат қилаётганликларини кўрдик. Табелчининг айтишига қараганда бу чевар қизлар ҳар куни хирмонга 500-600 килограмм пахта топшираётирлар.

**Ж. ҒАФФОРОВ,**
Оржоникидзе райони, Оржоникидзе номли колхоз.

## 1800 гектар майдондаги пахтани машина билан териб оламиз

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг V пленуми бу йил республикада камида 176 минг тонна пахтани машина билан териб олиш вазифасини қўйди. Бу тадбир амалга оширилганда йиғим-терим даври анча қисқаради, пахтанинг сифати яхшиланади, материал-техник харажатлар сарфи камаяди, ниҳоят асосий пахта майдонларини барвақт шудгорлаб олиш имконияти туғилади .Шунинг учун ҳар бир МТС, колхоз ва совхоз терим машиналаридан тўла ва унумли фойдаланишни таъмин этадиган барча тадбирларни амалга ошириши керак.

Бизнинг «Пахта» МТСимиз 8 колхозга хизмат кўрсатади. Бу колхозларнинг кўпчилиги кейинги йилларда пахта териш машиналаридан бирмунча самарали фойдаланиб келмоқдалар. Тажриба шуни кўрсатдики, агар пахта йиғим-терим ишлари механизациялаштирилса, меҳнат ва материал, маблағ харажатларини анча камайтириш, шу билан бирга терим суръатини тезлаштириш мумкин. Ўтган йил машина теримининг таннархи қўл теримидаги таннархга қараганда 15-20 процент, Киров номли колхозда эса ҳатто 21 процентдан ҳам камроқ бўлди.

Баъзи ўртоқлар машина теримнинг таннархини камайтирса ҳам, лекин колхоз пахтанинг сифатини йўқотади, деб ўйлайдилар. Бу, нотўғри. Масалан, 1956 йилда Киров номли колхозда машинада терилган ва ердан териб олинган пахталарнинг 99 проценти биринчи сортга топширилди. Ҳолбуки, қўл билан терилган пахтанинг фақат 94,5 проценти биринчи сортга қабул қилинди. Шунинг учун колхоз машина билан терилган пахтанинг ҳар тоннасига ўрта ҳисобда 3361 сўм 30 тийиндан ҳақ олган бўлса, қўл билан терилган пахтанинг ҳар тоннасига 3332 сўм 81 тийиндан, яъни 128 сўмдан пул кам олди. Шундай қилиб, колхоз пахтани машина билан териб икки томонлама фойда қилди.

МТСимиз коллективи бу йил пахта териш машиналаридан янада кенг миқёсда ҳамда унумли фойдаланишга қарор қилди. Бу йил 1800 гектар майдондан 2500 тонна пахтани машина билан териб олишни планлаштирдик. Бунда СХМ-48М машиналарининг ҳар бири билан 51 тоннадан, СХС-1,2 машиналарининг ҳар бири билан 62 тоннадан пахта териш кўзда тутилади. Ана шу ҳисобдан бу йил МТС зонасидаги колхозларда 64 та, шу жумладан 17 та СХС-1,2 пахта териш машиналари ишлатилади. Ҳозир ҳамма пахта териш ва пахта тозалаш машиналари ишга тайёрлаб қўйилди.

Колхозларда пахтаси машина билан териладиган далалар аниқлаб чиқилиб, механик-ҳайдовчиларга бириктириб қўйилди. Ҳар бир трактор бригадаси бўйича пахта териш ва тозалаш машиналаридан фойдаланиш графиклари ишланиб чиқилди. Графикка мувофиқ машина терими 28-30 ишчи кунида тугалланиши керак.

МТС коллективи шу кунларда машина билан пахта теришга тайёргарликни қизитиш билан бирга, ғўза баргларини тўкишни кечиктириб юбормаслик учун ҳам, тегишли чораларни кўрмоқда. Бу соҳада МТСимиз мутахассислари айниқса ижодий ташаббус кўрсатаётирлар. Дефация 18 сентябрдан бошланиб ҳозир 200 гектарча ерда ғўза дориланди.

Йиғим-теримда механик-ҳайдовчилар меҳнат унумини ошириш учун терим муддатини тўғри белгилаш ва машиналарнинг ишлаши учун зарур бўлган шароитни яратиб бериш катта аҳамиятга эга. Ўтган йилларнинг тажрибасига асосланиб биз бу йил машина теримини 50-60 процент кўсаклар очилганида бошлашга қарор қилдик. Машина терими учун ажратилган майдонларда пахтани қўл билан теришга йўл қўйилмайди. Машина терими икки марта ўтказилади: биринчи терим 25 сентябрдан 10 октябргача, иккинчи терим 11 октябрдан 25 октябргача давом этади. Машина теримидан кейин ерга тўкилган, шунингдек ғўзада қолган пахталар қўл билан териб олинади.

Ўтган йил баъзи колхозларимиз машиналарда терилган пахталарни далада қуритмасдан ва тозаламасдан тўғридан-тўғри тайёрлов пунктларига ўтказабердилар. Бу тажриба иш вақтини анча тежашга ҳамда терим суръатини тезлаштиришга имконият берди. Бу йил барча колхозларимиз машина билан терилган пахталарни далада қуритиб турмасдан, пешма-пеш тайёрлов пунктларига юбораберадилар. Шунинг учун бу йил 2-3 агрегатдан иборат терим машиналарининг ҳар бир группасига фақат 5 тадан кишини бириктириб қўямиз. Булардан 4 киши бункердан туширилган пахталарни қанорларга жойлаб автомашиналарга ортиб беради ва бир киши қанор тикади. Шу билан бирга, бу кишилар махсус хирмонда турмасдан ,балки машиналарнинг қайрилиш жойларида ҳозир бўлиб турадилар. Бошқача қилиб айтганда, загондан-загонга ўтиб турадилар. Шундай қилиб, пахтани тайёрлаш пунктларида тозалаш ва қуритиш тадбири даладаги ишларни кўп даража енгиллаштиради.

Аммо машина теримида ерга тўкилган ва қўл билан териб олинган пахталар анча ифлос бўлади. Шунинг учун бу пахталар қисман далада тозаланиб, сўнгра тайёрлов пунктига юборилади

Ҳозир машина-трактор станцияси трактор бригадалари бўйича ва трактор бригадаси ичида ҳар бир далачилик бригадаси бўйича машина теримини ўтказишнинг батафсил планини ишлаб чиқди. Бу план ҳар бир колхоз ва ҳар бир колхозчига ва механик-ҳайдовчига етказилди. Йиғим-терим ишларини тез ва сифатли ўтказиш учун механик-ҳайдовчилар ўртасида социалистик мусобақа шартномаларини тузиб, имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда янги мажбуриятлар қабул қилинди. Жумладан, бизнинг механик-ҳайдовчиларимиз бу йил ҳар бир СХС-1,2 машинада 90-100 тоннадан ва СХМ-48М машинасида камида 60 тоннадан пахта териш юзасидан социалистик мажбурият олдилар.

МТС дирекцияси ва унинг мутахассислари машина теримини ўтказишда колхозларга ва механизаторларга амалий ёрдам кўрсатиш билан бир вақтда ишнинг устидан қаттиқ контрол ҳам олиб борадилар. Бизнинг фикримизча республика қишлоқ хўжалик министрлиги механик-ҳайдовчиларга ишнинг сифатига қараб ҳақ тўлаш тўғрисида янги тартиб жорий қилса, яхши бўлар эди Масалан,механик -ҳайдовчи кўп пахтани тўкиб, уни ерга булғаб юборадиган бўлса, бунга материал жиҳатдан жарима солиш керак. Агар механик-ҳайдовчи пахтани кўп ва тоза терса, ерга белгиланган нормадан ортиқ тўкиб юбормаса, бу ҳолда уни рағбатлантирса чакки бўлмайди. Шу билан бирга, мавсум нормасини бажарган механик ҳайдовчиларни рағбатлантиришда ҳам улар бажарган ишнинг сифатини эътиборга олиш керак.

Машина теримини қўл терими билан тўғри қўшиб олиб бориш ҳам жуда муҳим. Тўғридан-тўғри айтиш керакки, терим даврида ишни ташкил этиш билан техникадан фойдаланиш ўртасида кўпинча номувофиқликлар рўй бериб туради. Биринчидан, кўсакларнинг очилишига қараб пахта кўп марта терилса, иккинчидан, хўжаликдаги объектив шароит ҳисобга олинмасдан четдан куч жалб этилади: бунга дастлаб пахтанинг очилиш суръати ва мавжуд техникага дуруст эътибор қилинмайди. Пахта топшириш муддатлари кўпинча машина терими ҳажми билан тўғри боғланмайди.

Бу йил кўпгина майдонларда пахтани машина билан териш учун барча имкониятларга эгамиз. Бунда иш фақат ўзимизга — район ташкилотлари, МТС, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига боғлиқ.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли юбилейини муносиб совға билан кутиб олиш учун мусобақалашаётган МТСимиз коллективи ва илғор колхозлар 1800 гектар ердаги пахтани машина билан териш юзасидан олинган мажбуриятни ошириб бажариш учун курашадилар.

**А. КОЛОМЕЙЦЕВ,**
Пахта МТСининг директори.

## Илғорлар тажрибаси оммалаштирилмаётир

Бундан икки йил илгари Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозда ҳар гектар ердан бор-йўғи 5 центнердан пахта ҳосили олинганини эшитиб ажабланган, наҳотки бу ерлар шундай унумсиз, шундай кам ҳосил бўлса, деб ўйлаган эдик. Ҳозир бу колхозда аҳвол тамом бошқача бўлиб қолибди. Колхознинг ўша вақтдаги жуда кўримсиз қишлоғини ҳозир таниб бўлмайди. Кўркам, кишининг ҳаваси келадиган қатор қилиб қурилган янги уйларни кўриб хурсанд бўласиз. 1955 йилги 5 центнер ўрнига бултур ҳар гектар ердан 14 центнердан ҳосил олинибди. Бу йил эса 20 центнердан ҳам ошириб пахта топшириш мўлжалланмоқда. Ҳамиша сводкадаги кўрсаткичлари билан энг кейинда юрадиган бу колхоз бу йил пахта ҳосилини йиғиб-териб давлатга топширишдаги пойгада биринчи бўлиб кетаяпти, кунига 2 процент миқдорида давлатга пахта топшираяпти.

Жданов номли колхоздаги бу ўзгаришлар колхозчиларнинг меҳнатга онгли муносабатда бўла бошлаганлари туфайли пайдо бўлди.

Ўзаро социалистик мусобақада ўртоқ Сартибек Шиорқулов бошлиқ бригада олдинда бормоқда. Бу бригада аъзолари ҳозиргача йиллик планнинг 20 проценти миқдорида пахта тайёрлабдилар.

Колхоз далаларида ишлаётган 300 га яқин теримчининг ҳар бири кўпроқ пахта териш учун курашаётгани — уларнинг ҳаракатларидан, жадал ишлашларидан яққол сезилиб турибди. Алибоева, Нурғўзорова, Мўминова, Ўринбоева сингари қизлар ҳаммадан чаққон, ҳаммадан жадал ишлашда кўпларга намуна бўлаяптилар. Улар ҳар куни 90-115 килограммга етказиб пахта термоқдалар.

Қўшни Ленин номли колхозда ҳам худди шундай ғайрат билан ишлаётган теримчи аёлларни кўриб киши қувониб кетади. Бригада бошлиқларидан ўртоқ Қамариддин Ғиёсов бизга бўлиқ ва серҳосил пахтазорларни кўрсатар экан, бундай дейди:

— Колхозчиларимиз зўр ҳиммат билан ишлаб шунчалик ҳосил етиштирдилар. Дастлабки мажбуриятимиз 25 центнер эди. Ҳозир далаларимиздаги ҳосилга қараб гектаридан камида 32 центнердан ҳосил беришни мўлжаллаб турибмиз.

— Бу йил теримнинг биринчи куниданоқ ишни режали ташкил этдик, — дея давом қилди бригадир. — Очилган пахтани қидириб шудгорда пала-партиш югуриб юришга йўл қўймаяпмиз. Картанинг бир бошидан тушиб пахта тераяпмиз. Шу билан бирга кўсакларни шамоллатиб, пахтанинг очилишини ҳам тезлаштираяпмиз.

Биз Жданов номли, Ленин номли колхозларда пахта теримининг яхши ташкил этилганини кўриб хурсанд бўлган эдик. Афсуски, қўшни «Қизилтув» колхозида аҳвол бундай эмас экан. Ўртоқ Иброҳим Ўрозов бошлиқ бригаданинг бир бўлак картасида пахта яхши очилиб ётибди. Лекин бир неча теримчи бир бошдан териш ўрнига картанинг хоҳлаган жойидан тушган. Уёқдан-буёққа югуришиб юрибди. Аммо иш бошида на бригада бошлиғи, на табелчи бор. Соат 8 дан ошганда ҳам далада колхоз раҳбарлари кўринмади. Ишни тўғри ташкил қиладиган одам йўқ. Теримчилар сони ҳамон кам эди.

Колхозчилардан раис билан партия ташкилотининг секретари, бригада бошлиғи ва табелчини суриштирган эдик, шу ерда турган бир йигит жавоб берди.

— Раис уйида, партия ташкилотининг секретари томорқасида ишлаяпти, бригада бошлиғи келгани йўқ, табелчи нариги бўлак ерда бўлса керак.

Бу гап тўғри чиқди. Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Зиёмуддин Саидбековни томорқасида, раисни уйида, бригада бошлиғини йўлда учратдик. Табелчи эса қаёққадир кетиб қолган экан. Биз қизиқ бир фактга дуч келдик. Ўртоқ Саидбеков билан суҳбатлашганимизда колхозда 150 теримчи бор деди. Колхоз раиси ўртоқ Олтмиш Қўлдибоев билан суҳбатлашганимизда эса 95 теримчи бор, деб айтди.

Илғор, ишни бирмунча яхши ташкил этган бригада бошлиғи ўртоқ Бодонбой Тўхтағонов билан суҳбатлашганимизда партия ташкилотининг секретари ҳам, колхоз раиси ҳам даладаги ҳақиқий аҳволни яхши билмасликларини пайқаб олдик.

Колхоз раиси ҳам, партия ташкилотининг секретари ҳам далада қанча киши ишлаётганлигини яхши билишмайди. Улар кўпроқ ўзларининг шахсий ишлари билан банд. 250 кишини пахта теримига сафарбар этиш тўғрисидаги графикни бажариш учун, терим суръатини тезлаштириш учун бош қотирмаётирлар, ишга юзаки раҳбарлик қилмоқдалар

Район ташкилотлари бу колхоздан хабар олишлари, терим суръатини тезлаштириш учун қўшни колхозлардаги яхши тажрибани кенг жорий қилишлари, барча ишчи кучларини пахта теримига сафарбар этишга кўмаклашишлари керак.

**Б. ХАЛИЛОВ,**
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

### Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 21 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Районлар | Мавсум бошидан бери | Бир кунлик ўсиш | Районлар | Мавсум бошидан бери | Бир кунлик ўсиш |
|---|---|---|---|---|---|
| Пискент | 11,10 | 1,37 | Оққўрғон | 6,58 | 1,00 |
| Бўстонлиқ | 9,94 | 1,83 | Верхне-волинск | 6,46 | 0,90 |
| Бекобод | 9,21 | 1,13 | Сирдарё | 6,29 | 0,76 |
| Урта Чирчиқ | 9,20 | 1,20 | Оҳангарон | 5,76 | 0,85 |
| Оржоникидзе | 8,88 | 1,17 | Октябрь | 5,68 | 0,71 |
| Бўка | 7,81 | 1,03 | Уртасарой | 5,59 | 0,78 |
| Юқори Чирчиқ | 7,36 | 1,03 | Чиноз | 5,33 | 0,81 |
| Боёвут | 6,87 | 0,81 | Янгийўл | 4,28 | 0,74 |
| Гулистон | 6,62 | 0,97 | Калинин | 3,81 | 0,58 |
| Мирзачўл | 6,60 | 0,95 | Қуйи Чирчиқ | 2,96 | 0,48 |

### Граммлар эътирози

Йиғилишиб қай куни,
Қоп-қанор, тош-тарози,
Кўрилибди ўртада
Граммлар эътирози;
Этаквой дебди шунда:
— Кўз нурин териш керак!
Сўзсиз граммларга ҳам
Эътибор бериш керак!
Ошиқар, баъзилар бор —
Салмоғин оширгали.
Йўқ, гап салмоғда эмас —
Сифатда — шундай, — балли.
Мамуғни юлқиб ўтгач,
Чаноғда қолмадими?!

Тоғ унар толалардан
Ҳосил йўқолмайдими?!
Қилни қирққа ёргудек
Дер туриб, ростгўй тароз:
— Бугун граммлар ҳақли
Билдирсалар эътироз.
Чунки шу граммлардан
Тонналар унар ахир.
Пахтани тезу-тоза
Термак ҳам ҳунар ахир.
— Эгатлардан ўтганда,
Суръат кўзда тутилсин!
Теримчилардан ҳар кун
Унумли иш кутилсин!

(Бу терим машинаси
Мароқ билан сўз қилар.
Фан-техника қудратин
Меҳнатда кўз-кўз қилар).
От-улов, қоп-қанордан
Тортиб, то сушилкамиз
Терим учун тахт бўлса,
Тоғ-тоғ олтин уямиз.
— Тўғри, — яша — сўзларин
Такрорлашар барчаси.
(Граммлар эътирози —
Мўл ҳосил дебочаси).

**Толиб ЙЎЛДОШ.**

### Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 21 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Совхозлар | Мавсум бошидан бери | Бир кунлик ўсиш | Совхозлар | Мавсум бошидан бери | Бир кунлик ўсиш |
|---|---|---|---|---|---|
| 6-«Кўкорол» | 15,54 | 1,92 | Киров номли | 6,22 | 1,06 |
| 3-«Оҳангарон» | 14,67 | 1,67 | 1-«Оҳангарон» | 6,0 | 1,00 |
| 1-«Фарҳод» | 13,88 | 1,02 | «Гулистон» | 5,51 | 0,72 |
| «Дружба» | 12,70 | 1,55 | 1-«Боёвут» | 5,40 | 0,71 |
| 4-«Вревский» | 12,50 | 1,46 | «Оққўрғон» | 5,06 | 0,92 |
| «Пискент» | 10,00 | 1,28 | Бушуев номли | 4,91 | 0,79 |
| «Чаноқ» | 8,83 | 1,04 | Булганин номли | 4,80 | 0,55 |
| «Социализм» | 8,07 | 1,08 | «Малик» | 3,94 | 0,48 |
| 2-«Далварзин» | 8,00 | 1,03 | 3-«Боёвут» | 3,91 | 0,59 |
| 1-«Далварзин» | 7,98 | 1,13 | «УзССР беш йиллиги» | 2,96 | 0,48 |
| «Мирзачўл» | 6,70 | 1,00 | 2-«Оҳангарон» | 1,04 | 0,35 |

# БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XII СЕССИЯСИ

## Совет делегациясининг бошлиғи А. А. Громиконинг Бош Ассамблеяда 1957 йил 20 сентябрда сўзлаган нутқи

А. А. Громико ўз нутқида Бош Ассамблеянинг XII сессияси ўз олдида турган вазифаларни конструктив ҳал этиш йўлида зарур бурилиш ясайди, деб ишонч билдирди ва Совет Иттифоқи делегацияси бу йўлда қўлидан келган ҳамма чораларни кўради, деб таъкидлади.

Совет делегациясининг бошлиғи таъкидлаб айтдики, халқаро аҳвол умуман ҳали нормал эмас, ташвишли бўлиб қолмоқда. Дунё бир-бирига душман бўлган ҳарбий гуруҳларга ҳануз бўлинган. Ана шу гуруҳлар ўртасида бир-бирларига кескин ишончсизлик муҳити ҳукм суради, илгари ҳеч қачон кўрилмаган даражада зўр бериб қуролланиш давом этмоқда, шу билан бирга айниқса хавфли нарса шуки, асосан, атом ва водород қуроллари ишлаб чиқариш соҳасида зўр бериб қуролланиш давом этмоқда. Қуролсизланиш тўғрисидаги музокаралар ҳеч қандай конкрет натижа бермай, кўп йиллардан буён чўзилиб келмоқда. Шу билан бирга ядро қуролини синов тариқасида портлатишни тўхтатиш каби оддий ва ҳозирданоқ тамомила амалга ошириш мумкин бўлган вазифаларни ҳам ҳал этиш кечиктирилмоқда. «Совуқ муносабатлар уруши» сиёсати туфайли халқлар ўртасида тинч иқтисодий алоқа ўрнатишнинг элементар формалари ҳам четга суриб ташланди. Шимолий Атлантик блокининг раҳбарлари давлатлар ўртасидаги оддий савдо-сотиқ алоқаларини ҳам ўзларининг ҳарбий-стратегия планларига бўйсундирмоқдалар.

Яқин Шарқдаги аҳвол жиддий ташвиш туғдирмоқда. БМТ, деди А. А. Громико, халқларнинг ишончини оқлашни истайдиган бўлса, воқиаларнинг шу тариқа боришига пассив қараб туролмайди.

А. А. Громико сўзини давом эттириб бундай деди: Совет ҳукуматининг фикрича, янги қон тўкишларнинг пайдо бўлиш эҳтимолининг олдини оладиган ва кишиларнинг ўзларини тинч меҳнатга тамомила бағишлашларига йўл очиб берадиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳаракат қилиш — БМТнинг бурчидир.

Бунинг учун халқаро миқёсдаги жанжалли проблемаларни куч ёрдами билан ҳал этишга уринишдан воз кечиш зарур.

«Зўравонлик қилиш» дан иборат ана шу сиёсат ҳал этилмаган масалалардан бирортасини ҳам ҳал этишга олиб келмади. Бу сиёсат қуролсизланиш проблемасини ҳал эта олмади ва атом урушининг хавфини йўқота олмади. Германия масаласини ҳал этишга ёрдам бермади ва тинчликни таъминлашга ҳамда Яқин Шарқда нормал аҳвол бўлишини таъминлашга қодир бўлолмади.

Халқларнинг манфаатларига бегона бўлган бу сиёсат Европа ва бошқа қитъалар орқали чуқур раҳна солди ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни сунъий равишда кескинлаштириб, дунёни ҳарбий лагерга ўхшаш бир нарсага айлантириб юборди. Неча ўнлаб давлатларнинг территорияси ҳарбий аэродромлар, арсеналлар, казармалар, полигонларнинг кўп шохобчалари билан қопланган, қуролларнинг энг янги турлари билан таъминланган миллионларча армиялар тахт бўлиб турибди. Бундай аҳвол тамомила ғайри табиийдир. Совет Иттифоқи, — деб таъкидлади совет делегациясининг бошлиғи, ҳамма ерда тинч давр учун табиий бўлган шарт шароитни тиклаш тарафдоридир ва Варшава шартномалари ва бошқа халқаро битимларга мувофиқ ҳозир бошқа мамлакатларда бўлган ўз қўшинларини ана шу мамлакатлардан олиб чиқиб кетишга тайёрдир, бунинг учун АҚШ ва ғарбдаги бошқа давлатлар ҳам Европадаги бир қанча давлатлар территориясида жойлашган ўз қуролли кучларини олиб чиқиб кетишлари шарт. Совет ҳукуматининг фикрича, турли баҳоналар билан бошқа давлатларнинг территориясида сақланиб турган чет эл қўшинлари ҳам ана шу давлатларнинг тупроғидан олиб чиқиб кетилиши керак.

НАТО блоки ва унинг ташкилотчилари томонидан ўтказиб келинаётган сиёсат ҳозирги кунда халқларнинг мустаҳкам тинчликка интилиши ҳали ҳам амалга оширилмай қола ётганлигига асосий сабабдир. Биз, қирғинчилик келтирадиган атом уруши даҳшатларидан кишиларни халос қилишни истар эканмиз, ана шу сиёсатга абадий хотима беришимиз керак. Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, бу сиёсат унга ётдир. Ҳеч мустасносиз барча мамлакатлар билан тинч муносабатларда бўлишга интилиш — СССР ташқи сиёсатининг негизидир.

Совет делегати бундай деди: ҳозирги вақтда инсоният алътернатива олдида турибди: ё барча давлатлар ўртасида, улардаги ижтимоий тузум ва идеологиянинг қандай бўлишидан қатъий назар, мустаҳкам тинчлик ва ҳамкорлик бўлиши керак, ёки атом уруши бўлиши керак, ёхуд ҳар ҳолда бундай урушни асабийлашиб кутиб туриш керак ва инсониятнинг моддий воситалари ва меҳнатининг тобора кўп ҳиссасини ҳазм қилиб юборадиган ва вайронгарчилик келтирадиган зўр бериб қуролланиш йўлидан бориш керак.

А. А. Громико бундай деди: Халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва халқаро кескинликни юмшатиш мақсадида совет делегацияси давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари тўғрисидаги декларация проектини Бош Ассамблеянинг муҳокамасига тақдим этади.

Шундан кейин совет делегати қуролсизланиш тўғрисидаги муҳим масалага ўтди. Бу масала шу сессияда Бош Ассамблея томонидан қараб чиқилиши лозим.

А. А. Громико БМТ қуролсизланиш комиссияси Кичик комитетининг ишларига тўхталиб ўтди. Совет вакили Кичик комитетда рўй берган ва мутлақо ғайри табиий бўлган аҳволни характерлаб, қуйидагиларни таъкидлади: Бундай аҳволнинг рўй беришига сабаб шуки, ғарб давлатлари қуролсизланиш тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан киритилган таклифларни қабул қилишни истамаётирлар. Совет ҳукумати бир қанча жанжалли масалаларда музокараларнинг бошқа қатнашчилари — АҚШ, Англия, Франция ва Канаданинг таклифларига тўғри келадиган йўлдан борганига қарамай, ана шу давлатлар Совет Иттифоқининг таклифларини қабул қилишни истамадилар. Совет Иттифоқи, — деб айтди Громико, қуролсизланиш проблемасини узил-кесил ҳал этиш тарафдоридир. Совет Иттифоқи қуролли кучларни, қурол-яроғларни ва ҳарбий харажатларни кўп миқдорда камайтириш тарафдоридир, атом ва водород қуролларини қўлланиш ва уларни ишлаб чиқаришни сўзсиз ва тамомила тақиқлаш ҳамда ана шу қуролнинг мавжуд запасларини йўқ қилиш тарафдоридир.

Ғарб давлатларининг позициясини эътиборга олиб ва қуролсизланиш проблемасининг ҳал этилишини тўхтаб қолган жойидан илгари силжитишга интилиб, Совет ҳукумати қуролсизланиш соҳасида жузъий чоралар кўриш тўғрисида бир қанча таклифлар киритди.

Сўнгра, Совет ҳукуматининг АҚШ, СССР, Англия ва Франция қуролли кучларини уч этап бўйича қисқартиш, оддий қурол-яроғларни 15 процент камайтириш тўғрисидаги, атом ва водород қуролларининг ҳамма турларини қўлланишдан воз кечиш, бошқаларнинг территорияларидаги чет эл базаларини тугатиш ва шу сингарилар ҳақидаги таклифларига тўхталиб (ана шу таклифларнинг қабул қилиниши халқаро муносабатларни анча яхшилаган бўлур эди), А. А. Громико қуйидагиларни таъкидлади: Совет Иттифоқининг қуролсизланиш соҳасида жузъий чоралар кўриш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келиш ҳақидаги таклифга қўшилганлиги ҳам, аэрофотосъёмкаларни қўлланишга розилик билдириши ҳам АҚШ, Англия, Франция ва Канада ҳукуматларини шу йўлда қадам қўйишга ва лоақал қуролсизланишнинг айрим масалалари юзасидан бамаслаҳат бир фикрга келишга ундамади.

Лекин шунга қарамасдан, деди Громико, бу нарса оддий қурол-яроғларни қисқартириш ҳамда атом қуролини тақиқлаш соҳасида дастлабки чораларни кўриш билан бир қаторда кўққисдан ҳужум қилишнинг олдини олиш юзасидан реал ва амалга оширилиши мумкин бўлган воситалар тўғрисида ҳозирнинг ўзидаёқ бамаслаҳат бир фикрга келиш мумкин эмаслигини кўрсатмайди. Шу муносабат билан Совет вакили СССР ҳукуматининг темир йўл станцияларида, портларда, тош йўлларда, аэродромларда контроль постларини вужудга келтириш юзасидан киритган таклифини эслатиб ўтди. Бу таклифлар БМТ қуролсизланиш комиссиясининг Кичик комитетида тақдим этилган эди. Аммо бу таклиф амалда рад этилди, чунки ана шу таклифларни қабул қилиш учун ғарб давлатларининг қуролсизланиш ҳақида киритган ва қуролсизланишга мутлақо ёрдам бермайдиган бошқа таклифларини Совет Иттифоқининг қабул қилиши шарт қилиб қўйилди.

А. А. Громико сўзини давом эттириб бундай деди: қуролсизланиш ишини илгари силжитиш учун бир оз бўлса ҳам ишонч бўлиши, уруш пропагандасининг тўхтатилиши, мамлакатлар ўртасида нормал иқтисодий алоқалар ўрнатилиши лозимки, бусиз ишонч бўлиши мумкин эмас.

Совет делегациясининг бошлиғи таъкидлаб айтдики, ғарб давлатларининг ҳукуматлари қуролсизланиш проблемасини яроқсиз позицияда туриб ҳал этмоқчи бўладилар. Улар қуролсизланиш тўғрисида бир битимга келишдан бошқаларнинг хавфсизлигига зарар етказган ҳолда ўзлари учун манфаат топмоқчи бўладилар. Музокаралар олиб боришнинг ана шу методи бу музокараларни энг бошданоқ муваффақиятсизликка учратади, бу музокараларни барбод этади.

Совет делегацияси, деди совет делегати, Совет ҳукуматининг қуролсизланиш соҳасида жузъий чоралар кўриш тўғрисидаги меморандумини Бош Ассамблеянинг қарамоғига тақдим этади. Бу меморандумда Совет Иттифоқининг ана шу масала ҳақидаги асосий таклифлари баён қилинган. Делегация, жумладан, янги таклиф киритади. Бу таклифга мувофиқ, СССР ҳукумати Бош Ассамблеянинг эътиборини қуйидагиларга жалб этиш керак деб ҳисоблайди: Совет ҳукумати атом ва водород қуролига эга бўлган давлатлар ўз зиммаларига тегишли мажбуриятни, масалан, беш йил мобайнида атом ва водород қуролини қўлланмаслик мажбуриятини олсинлар, деб таклиф этади. Ана шу муддат ичида қуролланиш проблемаси юзасидан кенг битим тузилмаса, беш йилдан кейин ана шу масалани яна қараб чиқиш мумкин. Ана шундай бамаслаҳат бир фикрга келиш қуролсизланишнинг атом қуролига, шунингдек оддий қурол-яроғларга тааллуқли бўлган бошқа масалаларни ҳам ҳал этишга кўп жиҳатдан ёрдам берган бўлур эди. Совет ҳукумати бу масалани қуролсизланишнинг бошқа масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ қилиб қўймай, алоҳида қараб чиқиш зарур деб ҳисоблайди.

Сўнгра А. А. Громико бундай деди: Совет ҳукумати атом ва водород қуроллари синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалани мустақил масала сифатида қараб чиқишни ва дарҳол тегишли битим тузишни таклиф этади. Бу чора радиоактив чанглар ва атом радиациясининг кишилар соғлиғига зарарли таъсир кўрсатиш хавфини йўқотишга имкон берган бўлур эди, атом ва водород қуроллари билан зўр бериб қуролланишга тўсқинлик қилган бўлур эди, бу қуролнинг янада кўпроқ хавфли ва янада кўпроқ вайронгарчилик келтирувчи янги турларини ишлаб чиқаришга халақит берган бўлур эди. Ана шу қуролнинг янги турларини текшириб кўриш учун синовдан ўтказилмоқда. Юқорида айтилган чора атом ва водород қуролларини тамомила ва сўзсиз тақиқлашдан иборат асосий мақсадга эришиш йўлида биринчи амалий қадам бўлур эди. Аммо, — деб таъкидлади Совет вакили, СССРнинг ҳам, АҚШнинг ҳам Англиянинг ҳам атом қуролининг барча синовларини бир вақт ичида тўхтатишларини истаймиз. Шундай таклифгина ҳалол ва асосий таклифдир. Совет вакили АҚШ ва Англия ҳукуматлари бу масалада ўз позицияларини ўзгартирадилар, деб ишонч билдирди. Бош Ассамблея атом ва водород қуроллари синовларини дарҳол тўхтатишни талаб қилиб ўзининг обрўли сўзини айтиши керак.

СССР делегациясининг бошлиғи БМТ қуролсизланиш комиссиясида ва унинг Кичик комитетида қуролсизланиш ҳақида кўп йиллардан буён олиб борилаётган музокаралар натижа бермаганлигини кўрсатиб (ғарб давлатлари зўр бериб қуролланишнинг давом эттирилаётганлигини ниқоблаш учун ана шу музокаралардан фойдаланмоқдалар), бундай деди: БМТ қуролсизланиш Кичик комитети составининг чеклаб қўйилганлиги ва унда кўп мамлакатлар вакилларининг йўқлиги қуролсизланиш тўғрисида бамаслаҳат бир битимга келишга халақит бераётган сабабларнинг биридир. Бу органда бутун-бутун қитъалар — Осиё, Африка вакиллари йўқ. Шу билан бирга ана шу органда қатнашувчи беш мамлакатнинг тўрттаси НАТО ҳарбий гуруҳига кирган мамлакатларнинг вакилларидир. НАТО ҳарбий гуруҳи зўр бериб қуролланишнинг ташаббускоридир.

Совет ҳукуматининг фикрича, деди А. А. Громико, қуролсизланиш комиссияси ва унинг Кичик комитети составини кенгайтириш, «Совуқ муносабатлар уруши» сиёсатига қарши чиқаётган ва тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказиб келаётган ва табиий, қуролсизланиш мақсадлари ўзларига яқин бўлган мамлакатларнинг вакилларини ана шу органларда қатнаштириш пайти алла қачон келган, Совет Иттифоқи қуролсизланиш ҳақидаги музокараларни ошкора вазиятда олиб бориш тарафдоридир. Барча мамлакатлар ва барча халқлар қуролсизланиш проблемасининг ҳал этилишидан манфаатдор бўлишларига қарамай, бекиқ шароитда иш олиб борилиши «совуқ муносабатлар уруши»нинг тарафдорлари дидига ёқади.

Совет ҳукумати деб сўзини давом эттирди А. А. Громико, қуролсизланиш масалалари юзасидан тезликда бир битимга келиш учун қўлидан келган бутун чораларни кўради. Шу билан бирга биз бу ерда шу нарсани тамомила ошкора айтамизки, АҚШ, Англия ва НАТОнинг бошқа қатнашчилари қуролсизланиш юзасидан бир битимга келишдан бўйин товлашни давом эттирадиган бўлсалар, атом ва водород қуролларини тақиқлашдан, атом ва водород бомбаларини синов тариқасида портлатишни тўхтатишдан воз кечишни давом эттирадиган бўлсалар, улар ўз қуролли кучларининг жанговар қудратини кўпайтиришни давом эттирадиган бўлсалар, у ҳолда Совет Иттифоқи ҳам ўз хавфсизлигини мустаҳкам суратда таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўради ва бу тадбирларни ўз иттифоқчилари билан, шу жумладан Варшава мудофаа шартномасида қатнашувчи иттифоқчилари билан мустаҳкам суратда мувофиқлаштириб боради.

А. А. Громико Яқин ва Ўрта Шарқ районидаги аҳволга тўхталиб бундай деди: Бош Ассамблея бу райондаги вазиятнинг кескинлигича қолаётганлигига эътибор бермай қололмайди. Бундай вазиятнинг рўй берганлигига асосий сабаб шуки, НАТОда қатнашувчи давлатлар ва хусусан АҚШ ана шу райондаги халқларнинг ички ишларига аралашишни давом эттирмоқдалар. Сурияга нисбатан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан сурбетларча тазйиқ кўрсатилмоқда. Сурия ҳукуматига қарши фитналар уюштирилмоқда, кейинги вақтларда эса Сурияга очиқдан-очиқ ҳарбий интервенция қилиш билан таҳдид қилмоқдалар.

Ана шу аҳволнинг рўй беришига сабаб шуки, Сурия халқи ва унинг ҳукумати ажнабийларнинг буйруғига бўйсунишни истамаётир, ўз мамлакатининг агрессив блокларга тортилишига йўл қўймаётир. Совет Иттифоқи, деди — А. А. Громико, ўз миллий мустақиллигини таъминлашга интилиш ҳар бир халқнинг ўзига хос бўлган шак-шубҳасиз ҳуқуқидир ва бу интилиш БМТ принципларига тамомила мувофиқдир, деб ҳисоблайди.

Громико айтдики, Совет Иттифоқи игволарга ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқдаги кескинликнинг авж олдирилишига бефарқ қарайолмайди, чунки бу нарса унинг ўз хавфсизлигига ҳам дахл қилади.

А. А. Громико тўрт давлат — АҚШ, Англия, Франция ва СССР ҳукуматлари Яқин ва Ўрта Шарқ районида куч ишлатишдан ва ана шу райондаги мамлакатларнинг ички ишларига ҳар қандай шаклда аралашишдан воз кечсинлар, деган совет таклифини яна такрорлади. Совет ҳукумати, деди Громико, ана шу принципларнинг бирор шаклда Бош Ассамблея томонидан маъқулланиши ҳозирги кунда ҳаққоний суратда ташвиш туғдирувчи аҳвол вужудга келган ана шу районда вазиятни соғломлантиришда катта роль ўйнай олган бўлур эди, деб ҳисоблайди. А. А. Громико Бош Ассамблеяни Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларининг мустақиллигини ҳимоя қилиб чиқишга ва баъзи давлатлар томонидан ана шу райондаги мамлакатларга нисбатан ўтказилаётган хавфли сиёсатни кескин суратда қоралашга чақирди.

А. А. Громико Совет Иттифоқининг халқаро кескинликни юмшатишга ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган таклифларига тўхталиб, Совет ҳукумати Европанинг чинакам хавфсизлигини Европа қитъасини бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳарбий гуруҳлар ўртасидаги хавфли рақобат майдонига айлантириш йўлида эмас, балки юқорида айтилган мақсадни кўзда тутган коллектив тадбирлар кўриш йўлидан қидириб топиш керак, деб ишонч билдирганлигини айтди.

А. А. Громико қуйидагиларни таъкидлади: Совет ҳукуматининг НАТО қатнашчилари билан Варшава шартномаси системаси қатнашчилари ўртасида шартнома тузиш тўғрисидаги таклифи ўз кучида қолади, токи улар куч ишлатмаслик ва барча жанжалли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш мажбуриятини ўз зиммаларига олсинлар.

БМТнинг энг муҳим вазифаларидан бири, — деди А. А. Громико, халқлар ўртасида эркин ва кенг миқёсда иқтисодий алоқа ўрнатилишини таъминлашдан иборат. Тинч-тотув бўлиб яшаш учун ўз аро савдо-сотиқ қилиш керак, чунки халқаро миқёсда олиб бориладиган эркин савдо-сотиқ давлатлар ўртасида тинч, дўстона муносабатларни ривожлантиришнинг энг мустаҳкам негизидир. Аммо ҳозирги вақтда халқаро савдо-сотиқнинг аҳволи жиддий ташвиш туғдирмоқда, чунки АҚШ ва НАТОдаги бошқа мамлакатлар социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқни ривожлантиришга халақит бермоқдалар.

А. А. Громико сўзини давом эттириб, бундай деди: шу нарса тамомила аён бўлиб қолмоқдаки, ҳозирги вақтда эмбарго сиёсатидан ғарб мамлакатларининг ўзлари кўпроқ зарар кўрмоқдалар, чунки бундай сиёсат ана шу мамлакатлардаги савдо-саноат доираларини кенг ва барқарор мол сотиш бозоридан маҳрум этмоқда. Ғарбдаги кўп давлатлар социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқни сунъий равишда чеклаб қўйиш сиёсати мақбул сиёсат эмас, деган хулосага кела бошладилар.

Давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка ёрдам бериш учун, Совет ҳукуматининг фикрича, манфаатдор бўлган барча давлатларнинг йиғилишини ўтказиш фойдали бўлур эди. Ана шундай жаҳон иқтисодий конференциясида БМТ доирасида савдо-сотиқ масалалари билан шуғулланувчи доимий орган тузиш ҳақида ҳам бамаслаҳат бир фикрга келиш мумкин бўлур эди.

Совет делегациясининг бошлиғи сўзининг охирида бундай дейди: Халқаро миқёсдаги энг муҳим масалаларни ҳал этишда БМТнинг ролини ошириш учун БМТни бир давлат ёки давлатлар гуруҳи сиёсатининг қуролига айлантириш йўлидаги урунишлардан воз кечиш, БМТни бутун чоралар билан кучайтириш, БМТ органларининг обрўси ва аҳамиятини ошириш зарур, турли блоклар ва ҳарбий иттифоқларни вужудга келтириш воситаси билан БМТни заифлаштирмаслик керак.

Хитой Халқ Республикасининг БМТдаги қонуний ҳуқуқларини тиклаш каби кўпданоқ пайти келиб қолган масалани ҳам ҳал этиш зарур. ХХР ҳукумати хитой халқининг манфаатларини ифода этаётган бирдан-бир қонуний ҳукуматдир.

Совет делегациясининг бошлиғи БМТ Бош Ассамблеяси XII сессиясининг ишлари тинчлик манфаатлари йўлида барча делегацияларнинг самарали ҳамкорлиги белгиси остида ўтади, деб ишонч билдирди.

## Қуролсизланиш соҳасидаги қисман тадбирлар тўғрисида Совет ҳукуматининг меморандуми

Совет ҳукумати, деб таъкидланади меморандумда, қуролсизланиш проблемасини узил-кесил ҳал этиш тарафдоридир. Бу проблеманинг ҳал этилиши қуролли кучларни ва қурол-яроғларни анча камайтиришга ва атом қуролини тамомила тақиқлашга ҳамда уни давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлашга олиб келган бўлур эди. Аммо АҚШ, Англия ва Франция қуролсизланиш соҳасида кенг тадбирлар кўришдан бош тортаётганликларини эътиборга олиб, Совет ҳукумати қуролсизланиш соҳасида бундан буён ҳам амалий тадбирларни тезликда кўриш мақсадида қуролсизланиш юзасидан кенг битим тузилганига қадар қуйидаги низомлар асосида қуролсизланиш соҳасида жиддий тадбирларни амалга ошириш тўғрисида бир битимга келишни таклиф этади.

Совет ҳукумати АҚШ, СССР ва Хитойнинг қуролли кучларини 1-1,5 миллион кишига келтириш ва Англия ҳамда Франциянинг қуролли кучларини 650 минг кишига келтириш тўғрисидаги битим барча давлатларнинг хавфсизлиги манфаатларига энг кўп даражада жавоб берган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Аммо ўзаро мақбул асосда шу масала юзасидан битимга келишга ёрдам беришга интилиб, Совет ҳукумати қуролли кучларни АҚШ ҳукумати таклиф этган уч этапда қуйидаги миқдорларгача камайтиришга рози эканлигини билдиради. АҚШ ва СССРда биринчи этапда 2,5 миллион кишига, иккинчи этапда 2,1 миллион кишига ва учинчи этапда 1,7 миллион кишига келтириш.

Англия ва Францияга келганда, бу давлатлар учун қуролли кучлар даражасини қуйидаги миқдорларда белгилаш таклиф этилади: биринчи этапда — 750 минг кишидан, иккинчи этапда 700 минг кишидан ва учинчи этапда 650 минг кишидан иборат қилиш.

Совет ҳукумати давлатлар ўртасида қуролсизланиш масаласи юзасидан тузиладиган тегишли битим ана шу уч этапнинг ҳаммасини ўз ичига олиши ва қуролли кучларни қисқартишнинг бир этапидан иккинчи этапига ўтиш битимда кўзда тутилмаган қандайдир шартларга боғлиқ қилиб қўйилмаслиги зарур деб ҳисоблайди.

Сўнгра меморандумда айтилишича, Совет ҳукумати қуролли кучларни қисқартишнинг биринчи этапи мобайнида оддий қурол-яроғларни 15 процент камайтириш мақсадга энг мувофиқ бўлади деб ҳисоблайди. Шу билан бирга Совет ҳукумати АҚШнинг ва ғарбдаги бошқа давлатларнинг шу масаладаги позициясини эътиборга олиб, АҚШнинг қисқартирилган қурол-яроғларнинг конкрет рўйхатларини бир-бирларига топшириш йўли билан қурол-яроғларни камайтириш тўғрисидаги таклифига принцип жиҳатдан қўшилади.

Ҳарбий бюджетларни камайтиришга келганда, Совет ҳукумати ҳарбий бюджетлар қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартишнинг биринчи этапида 15 процент камайтирилиши мумкин, деган фикрга ҳали ҳам амал қилади.

Атом қуролини тақиқлаш тўғрисида меморандумда бундай дейилади:

Ғарб давлатлари ҳозирги вақтда атом ва водород қуролларини тамомила ва сўзсиз тақиқлашни истамаётганликларини эътиборга олиб, Совет ҳукумати давлатлар бу йўлда лоақал биринчи қадамни қўйсинлар ва атом ва водород қуролининг ҳамма турларини, шу жумладан авиация бомбаларини, атом ва водород зарядлари бўлган ҳар қандай радиусдаги ракеталарни, атом артиллериясини ва шу сингариларни қўлланишдан воз кечиш тўғрисида бутун дунё халқлари олдида ўз зиммаларига тантанали мажбурият олсинлар, деб таклиф қилади. Бу мажбурият қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишнинг биринчи этапи бошидаёқ кучга кириши керак.

Бу масала юзасидан бир битимга келинганига қадар Совет ҳукумати ядро қуролига эга бўлган давлатлар ана шу қуролни қўлланмаслик ҳақида ўз зиммаларига тантанали мажбурият олишларини ва бу мажбуриятни даставвал 5 йил муддат билан кучга киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Совет ҳукумати бунда шу нарсага асосланадики, ана шу 5 йиллик муддат тамом бўлганидан кейин бу масала БМТ да яна қараб чиқилиши керак. Давлатларнинг ядро қуролини қўлланишдан воз кечиш тўғрисида муваққат характерга эга бўлган мазкур битим қуролсизланиш масалалари юзасидан, шу жумладан ядро қуролини узил-кесил тақиқлаш ва бу қуролни давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш масаласи юзасидан кенгроқ битимга келиш учун қулай — шарт-шароит вужудга келтирган бўлур эди.

Сўнгра, меморандумда таъкидлаб айтилишича, Совет ҳукумати атом ва водород қуроллари синовларини тўхтатиш тўғрисида битим тузишни ва бу масала юзасидан бамаслаҳат бир фикрга келишни қуролсизланишга доир бошқа масалалар юзасидан битимга келиш билан боғлиқ қилиб қўймасликни талаб этади.

Атом ва водород қуроллари синовини тўхтатиш тўғрисидаги масала муҳим эканлигини эътиборга олиб, Совет ҳукумати бу масалани Бош Ассамблеянинг XII сессиясида сессиянинг кун тартибидаги алоҳида ва мустақил масала қилиб қўйиш зарур деб ҳисоблайди.

Меморандумда яна бундай дейилади: Жузъий қуролсизланиш юзасидан тузиладиган битимда кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши халқаро миқёсда тегишли контроль остига олиниши лозим.

Контроль функцияларини, Совет ҳукумати илгари таклиф этганидек, томонларнинг келишувига мувофиқ, ана шу мақсад учун Хавфсизлик кенгаши доирасида тузиладиган контроль орган бажара олур эди.

Совет ҳукумати биринчи этапдаёқ давлатларнинг территорияларида катта портларда, темир йўл узелларида, автомагистралларда ўзаро келишув асосида контроль постлар ўрнатиш кераклиги тўғрисидаги ўз таклифини яна таъкидлайди. Ана шу контроль постлари қуролли кучлар ҳамда қурол-яроғларнинг хавфли суратда тўпланмаслигини кузатиб туради. Контроль постлар қўйиладиган пунктларнинг рўйхати юзасидан қўшимча равишда келишиб олиш керак. Аммо ҳозирги пайтда гап қисман тадбирларнигина амалга ошириш тўғрисида бораётганлиги сабабли контроль постлари тўғрисидаги масала ҳам шунга мувофиқ суратда ҳал этилиши лозим. Контроль постлари биринчи этап давомида Совет Иттифоқининг ғарбий чегаралари районларида, Франция, Буюк Британия территорияларида ва Шимолий Атлантик иттифоқида, шунингдек Варшава шартномасида қатнашувчи бошқа давлатларнинг территорияларида, шу билан бирга АҚШнинг шарқий қисмида вужудга келтирилиши лозим.

Контроль постлари аэрофотосъёмкалар зонасига кирган бошқа давлатларнинг территорияларида ҳам (улар билан келишувга мувофиқ) ўрнатилиши мумкин.

Қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартишнинг иккинчи ва учинчи этаплари давомида аэродромларда контроль постларини ташкил этиш таклиф қилинади.

Совет ҳукумати аввалгидек ҳозирда ҳам аэрофотосъёмкалар тўсатдан қилинадиган ҳужумнинг олдини ололмайди, қуролсизланиш устидан зарур контроль ўрнатишни таъмин этаолмайди деб ҳисоблайди. Аммо АҚШ ва ғарбдаги бошқа давлатлар тутган позиция натижасида аэрофотосъёмкалар тўғрисидаги масала қуролсизланиш ҳақида бир битимга келишга жиддий ғовларнинг бири бўлиб қолганлигини эътиборга олиб, Совет ҳукумати Европада ва Узоқ Шарқда аэрофотосъёмкалар зоналарини белгилаш тўғрисидаги масалани қараб чиқишга тайёр эканлигини билдирди. Тегишли зоналарни белгилаш Совет Иттифоқининг қуролсизланиш масалалари юзасидан 1956 йил 17 ноябрда, 1957 йил 18 мартда, 1957 йил 30 апрелда киритган таклифларида ва Совет ҳукуматининг Кичик комитетда қатнашувчи мамлакатларнинг муҳокамасига қўйган бошқа ҳужжатларида кўзда тутилган эди. Совет ҳукумати мазкур таклифларни ҳали ҳам қувватлайди.

Совет ҳукумати шу нарсани таъкидлаб ўтишни истайдики, агрессорнинг ихтиёрида ялпи қирғин қуроли ва бу қуролни мўлжалга етказиб берадиган энг янги воситалар ҳамда кўп миллионли армия бўлар экан, ҳеч қандай аэрофотосъёмка агрессорнинг тўсатдан ҳужум қилишининг олдини ололмайди. Шу сабабдан бошқа йўлдан бориш керак.

Ядро қуролини тақиқлаш, давлатларнинг қуролли кучлари ва қурол-яроғларини анча камайтириш, бошқа давлатларнинг территорияларида, чет эл ҳарбий базаларини тугатиш халқаро кескинликни камайтириш учун ва давлатлар ўртасида ишонч муҳитини вужудга келтириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлур эди.

Шу муносабат билан Совет ҳукумати бошқа давлатларнинг территорияларидаги чет эл ҳарбий базаларини тугатиш ва аввало қуролсизланиш соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширишнинг биринчи этапидаёқ ана шу базаларнинг қайсилари тугатилиши мумкин эканлиги ҳақида бамаслаҳат бир битимга келиш тўғрисидаги масалани қараб чиқишни таклиф этади.

Совет ҳукумати АҚШ, СССР, Англия ва Франциянинг Германия территориясида жойлашган қуролли кучларини учдан бир қисмига ёки ўзаро келишилган бошқа миқдорда камайтиришни ҳам таклиф этади.

Совет ҳукумати АҚШ, Англия ва Франциянинг НАТОда қатнашувчи мамлакатлар территорияларида жойлашган қуролли кучларини ва СССРнинг Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар территорияларида жойлашган қуролли кучларини камайтириш тўғрисида бир битимга келиш халқаро кескинликни юмшатиш учун катта аҳамиятга эга бўлур эди, деб ҳисоблайди. Мазкур мамлакатларнинг қуролли кучларини қанча миқдорда камайтиришни кейинги музокараларда аниқлаш мумкин бўлур эди.

Сўнгра Совет ҳукумати давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва халқаро кескинликни юмшатиш учун Совет Иттифоқида ва бошқа баъзи мамлакатларда қилингани каби давлатларда тегишли қонунлар нашр этиш йўли билан, шунингдек уруш пропагандасига йўл қўймайдиган бошқа тадбирларни кўриш йўли билан уруш пропагандасига хотима беришни таклиф этади.

Меморандумнинг охирги қисмида Совет ҳукумати бутун-бутун қитъалар — Осиё, Африка, Латин Америкаси қуролсизланиш тўғрисидаги музокаралардан четлатиб қўйилганлигини эътиборга олиб, БМТ қуролсизланиш комиссиясининг, шунингдек бу комиссия Кичик комитетнинг составини кенгайтиришни таклиф этади.

---

### Давлатларнинг тинч-тотув яшаши тўғрисида
### ДЕКЛАРАЦИЯ

**Бош Ассамблея.**

Умумий тинчликни мустаҳкамлаш ва давлатларнинг ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар, улар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг муҳим мақсадларидан бири деб ҳисоблаб,

кейинги вақтларда кўп давлатлар ўзаро муносабатларини қуйидаги принципларга:

1. Бир-бирларининг территориал бутунлиги ва суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиш;
2. Ҳужум қилишмаслик;
3. Иқтисодий, сиёсий ёки идеологик характердаги ҳар қандай мотивлар билан бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик;
4. Тенглик ва ўзаро манфаатдорлик ва;
5. Тинч тотув яшаш принципларига асослаб қурганликларини мамнуният билан **қайд қилиб,**

барча давлатлар ўртасидаги муносабатларда ана шу принципларни қўлланиш халқаро кескинликни юмшатиш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш учун жуда муҳим роль ўйнайди деб **ҳисоблаб,**

давлатларни ўзаро муносабатларида ана шу принципларга амал қилишга ва ўзаро ораларида пайдо бўладиган ҳар қандай жанжалларни фақат тинч воситалар билангина ҳал этишга **чақиради.**

### Халқаро контроль остида атом ва водород қуроллари синовларини тўхтатиш тўғрисида

**Бош Ассамблея,**

атом ва водород қуроллари синовларининг давом эттирилишидан дунёдаги барча халқларининг ғоят ташвишланаётганлигини **эътиборга олиб,**

ядро қуроли синовини тўхтатиш атом ва водород қуролларини тамомила тақиқлаш йўлидаги **биринчи муҳим амалий қадам бўлади** ва ана шу ялпи қирғин қуролининг янги, янада кўпроқ вайронгарчилик келтирувчи турларини такомиллаштириш ва вужудга келтириш йўлида муайян даражада ғов бўлади, деб **ҳисоблаб,**

қуролнинг ана шу турлари синовларини давом эттириш кишиларнинг ҳаёти ва соғлиғига **хавф туғдиради, деб қайд қилиб,**

ядро қуроли синовини тўхтатиш ана шу хавфни йўқотажагини, дунё халқларининг умумий истагига жавоб беражагини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсонпарварлик мақсадларига муносиб бўлажагини **кўзда тутиб,**

атом ва водород қуролларини синаб кўраётган давлатларни қуйидаги низомлар асосида қуролнинг ана шу турлари синовларини тўхтатиш тўғрисида дарҳол битим қилишга **чақиради:**

1) синовлар 1958 йил 1 январдан бошлаб 2 — 3 йил муддати билан тўхтатилади;

2) атом ва водород қуроллари синовларини тўхтатиш юзасидан олинган мажбуриятлар давлатлар томонидан қандай бажарилаётганлигини кузатиб туриш учун халқаро комиссия тузилади. Бу комиссия Хавфсизлик Кенгашига ва Бош Ассамблеяга ўз докладларини тақдим этади;

3) Юқорида айтилган Халқаро комиссиянинг раҳбарлиги остида ўзаро келишув асосларида СССР, АҚШ, Англия ва уларга қарашли ерлар территориясида ва Тинч океан районида, шу жумладан Австралияда контроль постлар белгиланади.

Бош Ассамблея бошқа давлатларни атом ва водород қуроллари синовларини тўхтатиш тўғрисидаги битимга қўшилишга **чақиради.**

Чирчиқ шаҳрининг Ленин кўчасида яқинда янги модалар ательеси очилди. **Суратда:** (чапдан ўнгга) ишчи Валентина **Михеда** ўзининг заказн бўйича бу ерда тайёрланган кўйлагини ательенинг қабул қилувчиси **В. А. Кончикова**дан олмоқда.

**Б. Артемов** фотоси.

## *Педагог олим*

Яқинда Ўрта Осиё Политехника институти клубида Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, геология-минералогия фанлари доктори, институт фойдали қазилмалар кафедрасининг мудири, профессор Алексий Васильевич Королевнинг туғилганига 60 йил, илмий-педагогик фаолиятига 30 йил тўлишига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Профессар А. В. Королев ўз фаолиятини 1917 йилдан машинист ёрдамчилиги вазифасидан бошлади. 1920 йили эса у илмий билимини ошириш учун Москва тоғ Академиясига ўқишга кириб уни 1926 йилда тугатади. Шу вақтдан бошлаб унинг илмий ва педагогик фаолияти бошланади. Королев Политехника институтига кафедра мудири қилиб тайинланганига 25 йил бўлди. Олим бу кафедрага ҳозир ҳам раҳбарлик қилмоқда. У ана шу давр мобайнида 500 дан ортиқ инженер, ўнлаб фан кандидати етиштирди.

Королев ўзининг бутун ҳаётини Ўрта Осиёнинг фойдали қазилмаларини ўрганишга бағишлади. Шу кунларда у ўз шогирдлари билан рудали конларнинг табиатини текширмоқда. Конлар геологияси, уларнинг тузилиши, конларнинг пайдо бўлиши ва айниқса рудаларнинг жойланиши масалаларига доир ёзган илмий ишлари 160 га етади. Улардан 60 таси нашр қилинган.

Партия ва ҳукумат Королевнинг қилган хизматларини юксак тақдирлаб уни Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади. 1947 йили профессор Королевга «ЎзССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» деган унвон берилди.

**Қ. АҲМЕРОВ.**

## Қатортол меҳнаткашларининг қувончи

Август ойининг бошларида қурила бошлаган Қатортол-Бешёғоч асфальт йўли ҳозир битиш арафасида. Ҳозир бу йўлдан дизеллар қатнаб турибди.

Бу йўлнинг қурилиши ва дизелларнинг мунтазам равишда қатнаб туриши меҳнаткашлар учун ҳар томонлама қулайлик туғдираётир. Айниқса олий ўқув юртларида ўқувчи студентлар ва шаҳарда ишловчи ишчи ҳамда хизматчилар бундан беҳад хурсанд бўлмоқдалар.

**Ш. ЮСУПОВА.**

## Маданият хроникаси

**Сирдарё.** «Малик» совхозида 300 кишилик 16 хонадан иборат янги туғруқхона биноси битказилиб, ишга туширилди. Туғруқхона малакали врач ва ҳамширалар билан таъминланди.

**А. Кўчаров.**

* * *

**Бўстонлиқ** районидаги Товоқсой посёлка Советига қарашли кутубхона ходимлари китобхонларга намунали хизмат кўрсатмоқдалар. Кутубхона заллари фотомонтаж, китоблар витринаси ва ҳар хил темалардаги плакатлар билан безатилган. Яқингинагина 50 китобхони бўлган кутубхона ҳозир 600 китобхонга эга бўлди.

**Т. Фузалов.**

* * *

**Чиноз.** Район марказида янги рентген кабинети ишга туширилди. Кабинет янги аппаратлар билан таъминланган. Шунингдек, район марказий паркида 150 кишилик танца майдони. Вревская посёлкасида эса 300 кишилик қишки клуб битказилиб, ишга туширилди.

**Д. Назаров,**
**Э. Жониқулов,**
**Х. Охунов.**

## Ёш тамошабинлар театрининг янги мавсум спектакллари

Охунбобоев номидаги республика ёш тамошабинлар театрининг коллективи янги мавсумни бошлаб юборди. Театр мавсумда ўз тамошабинларига болаларнинг дид ва характерларига мос келувчи бир неча янги саҳна асарларини тақдим этади. Бу спектаклларнинг темаси — ўзаро дўстлик, иноқлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик сингари совет ўқувчиларига хос фазилатларни ўз ичига олади.

Театр яқинлашиб келаётган Улуғ Октябрь революциясининг шонли 40 йиллик юбилейини янги ва мазмундор спектаклларни кўрсатиш билан нишонлайди.

Маҳаллий авторлардан И. Аҳмедов ва О. Толипов ўртоқларнинг «Ким айбдор?!» асари ҳам байрам спектаклларидан биридир. Театр ана шу спектакль билан янги мавсумни очди.

Спектакль (режиссёри О. Толипов) авторлари олинган темага ижодий ёндашиб, ундаги бош идеяни бирмунча тўғри талқин этганлар. «Бола оилада, мактабда ва коллективда тарбияланади» деган педагогик ғояни бўрттириб кўрсатганлар. Спектаклда болалар характери, совет тузумида аҳлоқ принциплари тўғри очиб берилган.

Спектаклда Тўлқин образи марказий ўрин тутади. Тўлқин (артист М. Рустамов) оилада жуда эрка ўсган. Унинг сўзи сўз, гапи гап. У бирор номаъқул ишни қилишга киришдими, унинг олдини олишга на ота ва на она ожизлик қилади. Ота ўғлига тарбия бериш уёқда турсин, балки уни номаъқул ишлар билан шуғулланишга ундайди. Унинг дўпписини бунга, бунинг дўпписини эса унга кийгизавериб, коллектив орасида қадри-қиммати қолмаган Абдусамад (Тўлқиннинг отаси) ўғлини ўқитувчилар олдида ҳам ҳимоя қилади.

Спектаклда Тўлқиннинг онаси Мастура (артистка М. Йўлдошева) образи ўз ўғлининг тақдири учун курашувчи меҳрибон она сифатида гавдаланган. У Тўлқиннинг билим олиши, келажагининг порлоқ бўлишини истайди. Бунинг учун у бир неча бор Тўлқиннинг мактабига боради. Бироқ ўғлининг ўжарлиги, гап кўтара олмаслиги, ялқовлиги туфайли содир бўлаётган кўнгилсиз воқиалар Мастурани доимо ташвишлантиради. Лекин она ўз ўғлини тарбиялашга пассив таъсир кўрсатади. Ўз мақсадини амалга ошириш учун охиригача кураша олмайди. Бунга асосий сабаб эри уни менсимаслигидир.

Авторлар Тўлқин образининг динамик ўсишини бирмунча тўғри кўрсата олганлар. Буни биз, айниқса, Тўлқиннинг дўсти Мансур билан учрашув саҳналарида очиқ кўрамиз. Тўлқин ўз хатти-ҳаракатидан қутилиш мақсадида «ботирлик» кўрсатишга аҳд қилади.

Спектаклда яна бир неча персонажлар борки, улар (Мансур — артист В. Қодиров, Раҳим — артист И. Йўлдошев, Юлдуз—артистка Т. Ҳамдамова) Тўлқин образини тўлдиришга бевосита ёрдам берадилар.

Бироқ пьеса ва спектаклда айрим жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бу ўринда дастлаб шуни айтиш керакки, асарда иштирок этувчи ижобий персонажларга нисбатан салбий қаҳрамонлар кўп. Ваҳоланки, социалистик ҳаёт воқилиги буни инкор этади. Бинобарин, пьесада катта ҳаётий конфликт тўла акс эттирилмаган. Шундай экан, ижобий қаҳрамонлар жонсиз, ҳис-туйғусиз бўлиб қолганлар. Чунончи, мактаб директори образи спектаклда ижобий қаҳрамон сифатида берилади. Бироқ, бу образ эпизодик бўлиб, драма сюжетининг чуқур ва кескин конфликтларини ҳал қилишда етакчи роль ўйнай олмайди. Спектаклнинг бошқа ижобий қаҳрамонлари тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин.

Спектаклга композитор Х. Изомов ёқимли музика ёзган. Рассом Ҳ. Икромов томонидан муваффақиятли ишланган саҳна декорациялари асар воқиаларини очиб беришга ёрдам беради.

Театр коллективи бу мавсумда болаларга яна кўпгина саҳна асарларини кўрсатади. Яқин кунлар ичида тамошабинлар театр актёрлари ижросида ёш драматург О. Юхновнинг «Уч саёҳатчи» деган асарини кўришга муваффақ бўладилар. Мазкур асарда ўзбек ва ҳинд болалари дўстлиги ҳикоя қилинади. «Уч саёҳатчи» спектакли байрам репертуарига киритилган.

Байрам муносабати билан янги инсценировкалар тайёрланади. Бундан ташқари, ёш тамошабинлар севимли асарлари — «Павлик Морозов» спектаклининг янги вариантини кўрадилар. Шунингдек, «Алёша Пешков», «Абдулла Набиев», «Ойгул билан Бахтиёр» сингари спектакллар ҳам кўрсатилади.

**А. АЛИЕВ.**

Гулистон районидаги Ленин номли колхозда бу йил узум мўл бўлди. **Суратда:** колхозчи ўртоқ **С. Содиқова** узум узмоқда.

**А. Аверьянов** фотоси.

## Колхозда янги қурилишлар

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози қишлоғининг қиёфаси йилдан-йилга ўзгариб бораётир. Бу ерда янги-янги бинолар қад кўтармоқда. Колхозда яқинда ипак қурти боқиладиган катта бино ва силос траншеяси қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ ўқувчилари эса янги ўқув йилини янги мактаб биносида бошладилар. Типовой проект асосида қурилган бу мактаб 400 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, кенг ва ёруғ синф хоналарига, химия лабораторияси, медицина пункти, кутубхона, пионерлар хонаси ва бошқа қулайликларга эгадир. Мактаб қурилишига колхоз ҳисобидан ярим миллион сўм маблағ сарфланди.

Колхоз правлениеси қишлоқ меҳнаткашларини уй-жой билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор бериб келмоқда. Бу йил 40 га яқин хўжалик янги уй-жой билан таъминланди. Ҳозир мактаб ва колхоз шифохонасини буғ билан иситиш учун канализация ишлари олиб борилмоқда.

Колхозда қурилиш ишлари билан махсус бригада шуғулланади. Бригаданинг моҳир усталаридан Ли Син-мун, Пак Ге-сон, Мун Алексей, арракашлардан Пак Хак-бон, Ким Син-бон ва бошқа ўртоқлар кундалик нормаларини 2-3 баравар қилиб бажармоқдалар. Шу билан бирга, улар бажараётган иш сифатли ҳамдир.

**А. КИМ.**

## Оҳангарон шаҳрида

### ОКТЯБРЬ ОЙИ ҲИСОБИГА

Шаҳардаги кўмир қидирув партиясининг меҳнатсевар коллективи Октябрнинг 40 йиллиги шарафига пармалаш ишлари суръатини тобора оширмоқда. Коллектив мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, 9 ойлик пармалаш ишлари планини муддатидан 12 кун илгари бажарди. Шу кунларда пармаловчилар октябрь ойи ҳисобига ишламоқдалар.

### ЙЎЛЛАР ТУЗАТИЛМОҚДА

Машина-йўл станцияси ишчилари шаҳардаги марказий кўчаларни сифатли равишда қайтадан ремонт қилмоқдалар. Сталин, Киров, Ленин кўчаларига қум-шағал тўкилиб, асфальт ётқизилди. Кўчаларни ремонт қилишда кучли экскаватор, бульдозер ва автомашиналар ишламоқда. Шаҳар кўчаларининг тузатилиши меҳнаткашлар ва транспортнинг қатнаши учун катта қулайлик туғдиради.

### КОНЧИЛАР ЕНГИЛ МАШИНА СОТИБ ОЛМОҚДАЛАР

Кўмир корхоналарида ишлаётган кончиларнинг турмуш шароитлари борган сари яхшиланмоқда. Улар унумли меҳнат қилиб, кўп даромад олмоқдалар. Айрим кончилар ўз маошларини тўплаб, тикув машиналари ва бошқа қимматли уй-рўзғор анжомлари сотиб олаётирлар. Кўмир разрезининг донгдор экскаватор машинисти Хўжа Алиқулов ва кон устини очиш разрезининг экскаватор машинисти С. Каримов ўртоқлар яқинда ўз меҳнат пулларига «Победа» ва «Москвич» енгил машиналари сотиб олдилар.

**И. АҲМЕДОВ.**

### ТУРЛИ ҚАСБ ЭГАЛАРИ

## ИШЧАН КОНДУКТОР

Автобус Тошкентдан Чирчиқ шаҳрига жўнаш олдида турибди. Унга пассажирлар бирин-кетин чиқишмоқда. Шу пайт нуроний бир чол автобусга чиқишини ҳам, чиқмаслигини ҳам, билмай иккиланиб турарди. Пассажирнинг ҳолатини кузатиб турган автобус кондуктори В. М. Бугно чолдан:

— Ота, қаерга бормоқчисиз? — деб сўради.

— Чирчиққа, болам, — чолнинг чеҳраси ёришиб кетди,—ўша ерга борадими бу машина?

— Боради, боради. Қани марҳамат, чиқинг. Мана жой. Ҳозир жўнаймиз. Чол хурсанд бўлиб автобусга чиқди. Машина жойидан қўзғалгач, ўртоқ Бугно пассажирларга борадиган жойларига қараб билет беришга киришди.

Тошкентдаги 2-автобаза ходими Валентина Михайловна Бугно кондукторлик вазифасида кўп йиллардан бери ишлаб келмоқда. У ўз вазифасини сидқидиллик билан бажаради, пассажирлар билан самимий ва яхши муомалада бўлади. Машинанинг тўхташ жойларида ёш болали аёллар, инвалидлар ва кексаларнинг автобусга бошқалардан олдин чиқишларига ёрдам беради.

— Пассажирлар орасида бўлишга ўрганиб қолганман, — дейди ўртоқ Бугно ўз касбидан мамнун бўлиб. Чиндан ҳам ишчан кондуктор автобуснинг йўловчилар билан гавжум бўлишини ёқтиради. Пассажирлар гўё азиз меҳмонлар-у, кондуктор эса мезбон. Йўловчилар ҳам Валентина Михайловнани жуда ҳурмат қилишади. Кондуктор автобусга доим тушиб турадиган кўпгина пассажирлар билан дўстлашиб қолган.

Ўз вазифасини яхши бажарувчи Бугно пассажирлар ташиш ойлик ва йиллик планларини доим 110-120 процент қилиб бажариб келмоқда. Ҳалол меҳнати учун у автобаза маъмурияти томонидан бир неча марта Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланган. Илғор кондуктор ўртоқ Бугно ёш кондукторларни тарбиялашда ҳам намунали ишлар қилмоқда. У янги ишга кирганларни ўзи билан бирга олиб юриб, йўловчиларга тез ва маданий хизмат қилиш, хушмуомалада бўлишни ўргатади.

Жамоат ишларида актив қатнашувчи Валентина Михайловнани автобаза коллективи ҳурмат қилади. У ҳозир Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига муносиб меҳнат совғаси тайёрлаш мақсадида ўз постида янада юқори кўрсаткичларга эришишга ҳаракат қилмоқда.

**Суратда:** кондуктор **Валентина Михайловна Бугно.**

Текст ва фото **Б. Артёмовники.**

## Колхоз почтальони

Тушки дам олиш пайти. 6-бригада дала шийпони гавжум. Колхозчилар радиодан қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттирилаётган концертни завқ билан тингламоқдалар. Шу пайт бригада дала шийпонига қора чарм сумкани кўтарган колхоз почтальони Бобожон ака етиб келди. У, келтирган янги газета, журнал ва хатлар қўлма-қўл ўтди, шийпонда газетхонлик бошланиб кетди. Колхозчиларнинг баъзиларига узоқдаги дўстларидан, ака-укаларидан, қариндошларидан хат ҳам келган.

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхозда 14 йилдан буён почтальонлик вазифасини бажариб келаётган Бобожон Отажонов колхозчилар учун келган газета, журнал ва хатларни ўз вақтида эгасига етказиб туради. Шунинг учун ҳам колхоз аъзолари уни ҳурмат билан тилга оладилар. У ўзининг ҳалол меҳнати туфайли район алоқа бўлими, колхоз правлениеси томонидан турли мақтов қоғозлари ва бир неча марта пул билан мукофотланган. Район газетаси «Қизил юлдуз» саҳифаларида мақталган.

— Мен почтальон бўлган дастлабки йилларда колхоз бўйича олиб келинадиган газета юзга ҳам етмас эди. Ҳаммаси бўлиб учтагина журнал келарди. Хат ҳам жуда кам эди. Колхозчиларимиз саводхон бўлган сари газета ва журналларга обуначилар сони йилдан-йилга ортмоқда, — дейди ўз касбини севувчи толмас почтальон, — ҳозир эса 600 дан ортиқ марказий ва маҳаллий газета, 26 дан ортиқ турли журнал келтираман.

**Ч. ИЛЁСОВ.**

## Соғлиқни сақлаш ходимларининг йиғилиши

Яқинда Октябрь район соғлиқни сақлаш ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда район ижроия комитетининг раиси Азимов, врач Тоиров ўртоқлар доклад қилдилар. Улар пахта йиғим-терими қизғин бораётган шу кунларда медицина ходимлари қишлоқларда аҳолига медицина хизматини янада яхшилашлари, колхозчилар ўртасида медицина темаларида лекция ва суҳбатларни кўпроқ ўтказиб туришлари лозимлиги ҳақида гапирдилар.

Район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири ўртоқ Шоумаров районда медицина тармоқлари кўпайганлиги, ҳар бир бригада дала шийпонида аптечка ташкил этиш, бемор бўлиб қолган колхозчиларни узоқ масофага овора қилмай жойида даволаш чоралари ҳақида гапирди.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан ўртоқлар медицина хизмати кўрсатиш соҳасидаги айрим камчиликларни очиб ташладилар. Жумладан, врач Вревскаянинг касаллар ва медицина ходимлари билан қўпол муносабатда бўлаётганлиги танқид қилинди.

Йиғилиш охирида врач Тоиров тери касалига доир темада лекция ўқиб берди.

**Т. ЖЎРАБОЕВ.**

## Бабич билан Шадрина сургун қилинди

Куйбишев район, 18-мактаб ҳовлиси 12-уй бошқармаси территориясида яшовчи аҳоли билан лиқ тўла. Улар бир неча йилдан буён ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, текинхўрлик билан кун кечираётган Бабич ва Шадриналарнинг аҳлоқини муҳокама қилиш учун йиғилганлар. Йиғилиш қатнашчилари Бабич билан Шадринани ўртага чиқариб қўйиб, уларнинг ҳеч қаерда ишламай текинхўрлик билан яшаётганликларини қоралаб гапирдилар.

Нина Григорьевна Бабич 1940 йилдан буён ҳеч қаерда ишламайди. Галина Алексеевна Шадрина эса аҳлоқий жиҳатдан бузилган, бир жойда узоқ ишлайолмайди, у ишдан бу ишга кўчиб юради. Бир неча йилдан буён ижтимоий фойдали меҳнат билан мутлақо шуғулланмай қўйган.

Уларни тўғри йўлга солиш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш соҳасида кўп ҳаракат қилинди, лекин уларнинг бўйни ишга ёр бермади, берилган маслаҳатлар таъсир этмади. Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1957 йил 27 майда чиқарган «жамият учун зарарли, текинхўр унсурларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Қонунидан ҳам ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олмай, текинхўрларча кун кечиришни давом эттирмоқдалар. Улар кунларини уйларига ҳар хил эркакларни таклиф этиш, ичкиликбозлик қилиш билан ўтказганлар. Кунда тўпалон қилиб, қўни-қўшниларга тинчлик бермаганлар.

Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси хулқи бузуқ бу икки аёлни Тошкентдан сургун қилишни таклиф этдилар. Бу таклиф йиғилишнинг барча қатнашчилари томонидан маъқулланди. Бабич ва Шадринани 3 йил муддат билан сургун қилишга қарор қилинди.

Куйбишев район ижроия комитети ўзининг навбатдан ташқари йиғилишида 12-уй бошқарма аҳолиси умумий йиғилишининг қарорини тасдиқлади.

**З. АХТЯМОВА.**

**Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.**

### ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/IX да **Ганг дарёсининг қизи**, 24/IX да **Юрак сирлари.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/IX да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Пиковая дама**, 24/IX да **Галька.**

### ҚИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Йўлбарс инида**, 3-залда кундуз ва кечқурун **Дон Сезар де Базан.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Гаучолар уруши**, кеч соат 10 да **Дон Сезар де Базан.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да **Дон Сезар де Базан**, қолган сеансларда **Гаучолар уруши.**

«ИСКРА» (ёзги) — кеч соат 8-10 минутда **Йўлбарс инида**, кеч 10 да **Дон Сезар де Базан.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ
ТЕАТРДА
(қишки бино)
23 сентябрда

### катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Маҳмуджон Ғафуров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Абдуғафур Абдураҳмонов, Ашурали Юсупов** ва театр солистлари қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

## Брест қалъаси қаҳрамонларини излаб

**Сергей СМИРНОВ.**

**(Боши газетанинг 4, 7, 12, 14 ва 18 сентябрь сонларида).**

Мен ҳар гал Клипнинг хатларини олиб ўқир эканман, бир нарсага эътибор бердим: у ҳар сафар ҳам ўзининг ёзган хатида жанговар дўстлари ва уларнинг қилган ишлари ҳақида гапирар эди-ю, аммо ўзи тўғрисида қарийб ҳеч нарса демас эди. Умуман айтганда, унинг ёзган хатларидан менинг кўз ўнгимда тўғри, юраги ҳам, қалби ҳам тоза бир одамнинг образи гавдаланди. Бу орада мен Петр Клипнинг оиласи: унинг шу кезларда Москвада бўлган синглиси ва онаси билан жуда яқиндан танишдим. Кейинроқ, Петр Клипнинг акаси подполковник Николай Клип ҳам Москвага келиб қолди. Улар менга Петрнинг ҳаёти тўғрисида жуда кўп нарсаларни ҳикоя қилиб беришди.

У брянсклик темир йўлчи, кекса большевикнинг ўғли экан. Ёшлигиданоқ отадан етим қолган ва кейинчалик бориб ҳарбий хизматчи бўлиш орзусида. Совет Армияси сафида тарбияланган экан. Унинг иккита акаси бўлиб иккаласи ҳам Совет Армияси офицери экан. Шундан биттаси Узоқ Шарқда ҳарбий хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган экан. Қисқаси, Петр Клип тўғрисида мен билиб олишга муяссар бўлган бутун ҳамма нарса, унинг ҳақиқий совет ватанпарвари, бошқаларга кўмак кўрсатишга ҳамма вақт қодир бўлган ажойиб ўртоқ, нияти тўғри, самимий ва софдил киши эканини кўрсатиб турарди.

Ниҳоят мен Петрнинг айби шунчалик нимада эканини билишга жазм қилдим. Менинг илтимосимга жавоб тариқасида, у ўзининг айби нимада эканини тўла-тўкис қилиб ёзиб юборибди. Билсам, жиноятни унинг собиқ синфдош ўртоғи қилган экан-у, бу ишнинг тепасида Петр ҳам бўлган экан. Ўша пайтда Петр Клип ўртоғининг ёлғон гапларига ишонган ҳамда тегишли жойларга бу тўғрида ўз вақтида хабар қилмаган, бу билан жиноятчи ўртоғига, унинг келгуси фаолияти учун имкон берган ва ниҳоят худди шу қилмиши билан ўзи ҳам унинг бирдан-бир шериги бўлиб қолган экан.

Петрга берилган жазо ҳаддан ташқари оғир эмасмикин? Мен Бош ҳарбий Прокуратура ходимларидан Петр Клипнинг иши билан танишиб чиқишни илтимос қилдим. Ҳақиқатан ҳам унинг тирноқдай айби туядай қилиб кўрсатилган экан. Бинобарин, Петр Клипнинг Брест қалъаси мудофаасидаги фидокорликларининг ўзиёқ унинг жазосини енгиллаштириш учун асос бўла олур эди.

Ворошиловнинг номига батафсил равишда ариза ёздим ва шу аризага Игнатюк билан Сачковскаяларнинг гувоҳномаларини қўшиб солиб юбордим. Ана шу ариза муносабати билан бир неча ой давомида Петр Клипнинг иши юзасидан ҳар тарафлама текшириш юргизилди. Петр Клипнинг олдинги ишлаган еридан сўратилган характеристика ҳам, лагердан сўратилган характеристика ҳам унинг фойдасини кўзлаб, жуда яхши ёзилган эди. Қисқасини айтганда, 1956 йил январь ойининг бошларида мен Петр Клипдан хат олиб қолдим.

«Салом, Сергей Сергеевич,—деб ёзибди у.—Мен ўзимнинг қувончимни қандай қилиб ёзишимни билмайман. Бундай бахт кишига умрида бир мартагина муяссар бўлиши мумкин. 1955 йилнинг 26 декабри куни мен ўзимнинг етти йилдан буён ётиб келаётган бўлмам билан хайр-маъзур қилдим. Қишлоққа чиққанимдан кейин эса менга: ўтадиган йўлларнинг ҳаммаси, то Магаданга қадар берк, машина юрмайди, шунинг учун Ягодноегача бўлган йўлнинг очилишини кутиш керак, деб айтишди: доқументларимни ҳам мен ўша ердан олишим керак эди. Мен машинани ва йўлларнинг очилишини кутиб ўтирмадим. Яёв йўлга тушдим. Штурмовский кечигидан ҳам эсон-омон ўтиб олдим ва Юқори От-Урях қишлоғига етиб келдим. Юқори От-Уряхда менга: бундан бу ёғига ҳеч мумкин эмас—Ягодное кечиги берк, бўрондан ва қаттиқ совуқдан ҳалок бўлиш ҳоллари бор, деб айтишди. Шунга қарамай, мен яна яёв йўлга тушдим. Аммо нақ Ягодное кечигининг ўзида икки юзимни совуқ олди ва юзларим худди куйган танкчиларнинг юзига ўхшаб қолди. Лекин бу нариси икки ҳафталардан кейин билинмай кетса керак. Мана, худди шу аҳволда мен, ўз тақдиримга ўзим ишонганим ҳолда, етмишолти километр йўл юрдим, юрдим эмас тўғрироғи, ҳам юрдим, ҳам эмакладим».

Шундан кейин, Петр ўзининг Ягодноеда паспорт олишга қадар анча ушланиб қолишлигини, унгача эса ишга киришга тўғри келганини ёзибди ва хатининг охирини шундай сўзлар билан тамомлабди: «Паспорт олгунимча ишлаб тураман. Олишим биланоқ сиз—билан ҳам, туғишганларим билан ҳам, мени деб бутунлай адойи тамом бўлган муштипар онам билан ҳам тез кунларда дийдор кўриш учун ҳаракат қиламан».

Кўп ўтмай Петр Клип Москвага етиб келди ва биз у билан дийдор кўришдик. Мен Петр Клипни кўрганимдан кейин, ҳақиқатан ҳам унинг яхши, оқ кўнгил одамлигига, бошига тушган бу мушкул савдо эса, қандайдир бир бахтсиз ва ноўрин тасодиф эканига мутлақо ишонч ҳосил қилдим.

Москвада бир неча кун меҳмон бўлганидан кейин, Петр Клип ўз ватани Брянскка жўнаб кетди.

Мен Брянск шаҳар партия комитетига мурожаат қилиб, Петр Клипнинг яхшироқ бир заводга ишга жойлашиб олиши учун ёрдам беришларини илтимос қилдим.

Тез вақт ичида Брянск шаҳар партия комитетининг секретари Н. В. Голубев менга Петр Клипни янги «Строммашина» заводига токарь қилиб ишга жойлаштирганларини ва тез кунда унга ишчи ёшлар мактабида ўқиб таълим олиши учун ҳар тарафлама шароит яратиб беришларини хабар қилди.

Мен Петядан тез-тез хат олиб турибман: унинг йўли равшан ва келажаги порлоқ экани хатларидан ҳам аниқ кўриниб турибди.

Шахсан мен, Брест қалъаси мудофааси қаҳрамони Петр Клипнинг яхши ишлаб чиқарувчи ва фаол жамоатчи бўлишига ҳамда жамиятимизнинг содиқ граждани бўлиб етишишига мутлақо шубҳаланмайман.

* * *

Тўғрисини айтганда, Брест қалъаси мудофааси бош раҳбарларидан ва қаҳрамонларидан бири майор Гавриловни излаб топиш ҳам буларга қараганда яна анча машаққатлироқ бўлди.

Мен илгарироқ ҳам айтиб ўтганимдек, 1942 йилнинг март ойида фронтнинг Орла районн қисмида немисларнинг 45- пиёда аскарлар дивизияси штабининг Брест қалъаси учун олиб борилган жанглар тўғрисидаги маълумоти қўлга туширилган эди. Бу маълумотда қалъанинг шимоли-шарқий қисмига жойлашган ва бир озгина майдонни ишғол қилган тупроқ истеҳком учун, ёки, бошқачароқ қилиб айтганда, Шарқий фронт деб аталган жой учун олиб борилган жангларга алоҳида эътибор берилган эди. Бу тўғрида гитлерчи штаб ходимлари, мана шундай деб ёзишган эди:

**(ДАВОМИ БОР)**

**РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ:** Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136.
Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135.
Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 05845. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1845.